

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Келдиева Шахноза Шухратовна

Францияда X-XIII асрларда феодал муносабатлар
тарққиёти

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

иш раҳбари: катта ўқитувчи А.Турғунов

Андижон – 2013 йил

РЕЖА

КИРИШ

- 1. Сиёсий тарқоқлик даврида Францияда феодал муносабатларнинг ривожланиши**
- 2. Францияда феодаллашув жараёнида шахарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти**
- 3. XI-XIII асрларда Франциянинг сиёсий марказлашувининг шарт-шароитлари**

ХУЛОСА

Кириш

Бугун орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бизнинг ислохотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал қилувчи омил бўлиб келаётгани янада яққол аён бўлади. Ўша пайтда собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатларда “шок терапияси” деган усул билан бир сакраб бозор иқтисодиётига ўтиш ёки алоҳида бир давлатда “демократия оролчаси” барпо этиш ҳақида қанча-қанча шов-шувлар кўтарилган эди¹.

Табиийки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгида, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ, баъзи бировларнинг ҳадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат бюджетининг 50 фоиздан зиёди ижтимоий соҳага йўналтирилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўзи учун дастуриламал қилиб олган халқимиз ўз миллий, тарихий, маънавий ва диний анъаналари, урф одатларини сақлаб, айни пайтда дунёдаги энг илғор тажрибаларни ўрганиб, мустақиллик йиллари мобайнида яратиш ва бунёдкорлик йўлидан қатъий бормоқда.

Мустақил ватанимиз босиб ўтган йиллар, тарихан қисқа муддат бўлишига қарамай, халқимиз, миллатимиз ва давлатимиз тақдирида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси йўқки, унда мустақилликнинг ўрни, аҳамияти ва шукухи сезилмаса, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўқки, унинг ҳаётида истиқлолнинг ижобий самараси, ҳаётбахш таъсири из қолдирмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик биз учун шу қисқа муддатда бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, тўкин ва фаровон дастурхонимиз, халқаро майдондаги нуфуз ва эътиборимизнинг бош меъзонига айланди. Ушбу ғурур ва ифтихор туйғуси эса унинг қўлга киритилиши ва мустақамланишига барчамиз ва ҳар биримизнинг дахлдор эканимиз билан янада теран, янада маънодор ва янада беғубордир.

Мавзунинг долзарблиги. Франция давлати тарихини айнан X-XIII асрларда феодал муносабатларни тараққиёти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ва шу берилган даврда Францияда бўлиб ўтган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларни батафсил ёритиш. Бу мавзуда феодал тоифаларни, деҳқонлар синфларни ва шаҳар аҳоли қатламларининг

¹ . Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”, 1998 й.

ўртасидаги муносабатлари тўғрисида айнан битирув малакавий ишимизнинг долзарблиги қилиб олдик.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Бу мавзунинг белгилаб ўтилган даврлар давомида Францияда феодал муносабатларни ўрнатилиши ва охир оқибат сиёсий марказлашуви жараёнлари тўғрисидаги масалаларини ёритишда қуйидагича вазифаларга бўлиб олдик:

1. Францияда сиёсий тарқоқлик даврида феодал муносабатларини ривожланиши тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтиш. X-XI асрларда Францияда феодализм тартиби таркиб топди. Феодал ишлаб чиқариш усули Франция жамиятида ҳукмрон ишлаб чиқариш усули бўлиб қолди.
2. X-XIII асрларда Франция шаҳарларнинг раванқ топиши. Феодализм муносабатлари билан биргаликда бир қатор ишлаб чиқарувчи жараёнлар ривожланди. Бу жараён ривожланишига асосан ҳунармандчиликнинг қўшган ҳиссаси катта эди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши оқибатида бир қанча шаҳар аҳоли сони ўсди.
3. XI-XIII асрларда Франциянинг сиёсий марказлашуви. Айнан шу даврда қироллик ҳокимияти томонидан бир қанча сиёсий бошқарувда ва маъмурий соҳаларда ислохотлар бўлиб ўтганлиги ва айнан шу ислохотларнинг негизида сийсий тарқоқликка барҳам берилганлигига тўхталиб ўтамиз.
4. Барча масалаларни мужассамлаштирган ҳолда хулосалаш ва мантикий яқун ясаш.

Мавзунинг илмий янгилиги. Аввалам бор бу мавзунинг айнан сиёсий ва иқтисодий жабҳада кам даражада ўрганилганлиги, деярли ўзбек тилида бу мавзуга оид манба ва маълумотларнинг камлиги сабабли, аксарият русча илмий адабиёт, даврий матбуот ва интернет тармоқларидан олинган фикрларни янги маълумот сифатида киритдик.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий иши материалларидан мактаб, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида ташкил этилган тўғаракларда факультатив дарсларда, олий ўқув юртларда, жаҳон тарихидан семинар машғулотлари ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг қўлланми ислохотларни амалга ошириш зарурияти энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади.

Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хохиш иродаси, асрий орзу интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий- буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги- эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик. Табиийки, бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслаҳатлашдик. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибаларни чуқур ўргандик.¹

Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимизни , аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олдик. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб- қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини аниқ- равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёш давлатимиз мураккаб синов кунларини бошидан кечираётган бир пайтда, қанчалик қийин бўлмасин, биз фақат ўз куч ва имкониятларимизга таяниб ва суяниб иш тутишга мажбур эдик. Ана шундай вазиятда кўплаб ўткир ва кескин саволларга жавоб излаш ва топишга тўғри келди. Масалан, қайси давлат бизга қанча ва қандай шартлар билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг сиртмоғига тушиб қолмаймизми? Олган қарз- кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Қарз олиш осон, бу ҳаммага маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртამизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Биз ҳозир хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу катта гуноҳ бўлади.

Бугун орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бизнинг ислоҳотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал қилувчи омил бўлиб келаётгани янада яққол аён бўлади. Ўша пайтда собиқ иттифок ҳудудидаги айрим мамлакатларда “шок терапияси” деган усул билан бир сакраб бозор иқтисодиётига ўтиш ёки алоҳида бир

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. “Маънавият”., 2008 й.

давлатда “демократия оролчаси” барпо этиш ҳақида қанча-қанча шов-шувлар кўтарилган эди¹.

Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак** деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Агарки биз мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич ривожланиш йўлидан эмас, балки “шок терапияси” деб ном олган инқилобий сакраш йўлини танласак, энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қандай аҳволга тушиб қолган бўлар эди? Ҳеч шубҳасиз, стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонида одамларнинг турмуш шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг ҳаёт тарзи, ахлоқий қадриятлари, миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Бир сўз билан айтганда, бундай бирёклама сиёсат ҳеч кутилмаган оқибатларга, ўрнини юз йилларда ҳам тўлдириб, коплаб бўлмайдиган оғир йўқотишларга олиб келиши муқаррар эди¹.

Биз тарихи неча минг йилларни камраб олган буюк халқмиз. Улуғ аجدодларимиз асрлар давомида сиёсат, илму фан ва маданият, дину диёнат соҳасида дунёни хайратга соладиган улкан ишларни амалга ошириб келаганлар. Ватанимиз истиқлоли ана шундай анъана ва қадриятларимизни тиклаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имконини бергани учун ҳам бениҳоя азиз ва қадрлидир.

Мамлакатимиз истиқлол даврида йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тарққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ мавкега эга бўлиб бормокда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсад ва унга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмокда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. “Маънавият”., 2008 й.

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. “Маънавият”., 2008 й.

Шу тариқа сиёсий соҳадаги давлат ва жамият қурилишида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг янада жадал ривожланишига, турли жабхалардаги ижтимоий иқтисодий тараққиёт жараёнларига янги ҳаракатлантирувчи куч бахш этмоқда.

Агар кечаги тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустабид тузим даврида жаҳон жамоатчилигининг аксарияти дунёда Ўзбекистон деган бетакрор диёр мавжуд экани, бу қутлуғ заминда бағрикенг, мард ва фидоий халқ яшаши тўғрисида хатто оддий тасаввурга ҳам эга эмас эди. Бу- тарих ҳақиқати. Мустақилликнинг тарихан қисқа даврида эришилган улкан ютуқ ва натижалар Ватанимиз, халқимиз шухратини, бой тарихимиз, бебаҳо миллий қадрият ва анъаналаримиз, қудратли маънавий ва иқтисодий салоҳиятимизни, бизнинг кимлигимиз, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни бутун жаҳонга тараннум этди. Бугунги кунда дунё аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришишда, Президентимиз сўзлари билан айтганда, “аввало, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унитилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағри кенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати” мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда, ўзига хос, миллий тараққиёт йўли деб тан олинган тараққиётнинг ўзбек модели қўплаб ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, сиёсий арбоблар, нуфузли экспертлар, етакчи мутахассис ва таҳлилчилар томонидан кенг эътироф этилиб, юртимизга, хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали иқтисодий сиёсатга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар нафақат иқтисодиётнинг шакли ва мазмунини, энг муҳими, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг онгу тафаккурини ва дунёқарашини ўзгартирди. Вужудга келган эркинлик, ҳар бир кишига эркин меҳнат қилиш, фаолият соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконининг берилиши натижасида узоқ йиллар давомида боқимандачилик кайфиятида юрган аҳоли орасидан эндиликда ишбилармон ва тадбиркорлар, моҳир хўжалик эгалари, хунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар етишиб чиқмоқда. Улар фақат давлатдан иш жойи ва иш ҳақи кутиб ўтирмасдан, балки ўзлари ҳаракат қилиб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш ўринларини яратишмоқда. Бундай натижаларни мамлакатимиздаги аҳоли даромадларини таркибининг ўзгариши мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устивор йўналиши- **қўшни давлатлар, аввало, минтақадаги давлатлар билан алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдир.** Минтақавий

ҳамкорликнинг янада чуқурлаштириш- Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг гаровидир.

Шунга кўра, мустақил тараққиёт даврида интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Гарб, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Жануби- шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари билан алоқаларни изчиллик билан ривожлантириб, мамлакатимиз уларни янгича маъно- мазмун билан тўлдиришга интилоқда.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, Европа Иттифоқи билан сиёсий мулоқотлар, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон билан Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари, жумладан, АҚШ ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизликка таҳдид солувчи глобал жараёнлар- наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, оммавий қирғин қуролиларини тарқатишга қарши кураш соҳасида ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ўзаро ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга юртимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Жанубий Корея Республикаси, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатган.¹

Мустақил тараққиёт даврида “қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди. Минтақадаги ижтимоий сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдидва хатарлари чуқур таҳлил этиш асосида “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу тариқа юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 13-том. Т., 2001 й. 1-том.

хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди”.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган. Тошкентда 42 та элчихона, 1 та бош консулхона, 9 та фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси чет давлатларда ва халқаро ташкилотлар ҳузурида, шу жумладан, Нью-Йорк шаҳри- БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, Женева шаҳрида-БМТ нинг Европа бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлари ҳузуридаги ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

1. Сиёсий тарқоқлик даврида Францияда феодал муносабатларнинг ривожланиши

Франция қироллиги Каролинглар империяси парчаланиши оқибатида пайдо бўлди. Секин аста феодал муносабатлар ривожлана борди. Шу муносабатлар замирида Франция феодализм муносабатларига асосланган давлатга айланди. Франция тарихини ўрганар эканмиз биз, айнан ўрта асрлардан давридан пайдо бўлган феодализм муносабатларини

пайдо бўлиши, ўрнатилиши, ривожланиши ва оўир оқибат уни парчаланиш тарихини уч даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- 1) Феодал тарқоқлик даври (IX - XIII асрлар)
- 2) Табақавий вакиллик монархияси (XIV- XV асрлар)
- 3) Мутлоқ монархия (XVI-XVIII асрлар)

Бизнинг битирув малакавий ишимиз асосан биринчи даврини ўрганиш ва уни ёритиш билан тўхталиб ўтамиз.

Феодал тарқоқлик даврининг ижтимоий тузулманинг асосий хусусиятлари бир канча кўринишга эга. IX-XIII асрга келиб сеньорлар томонидан деҳқонларнинг ерларини босиб олишган эди. Деҳқонларга доимий фойдаланишга, айрим ҳолларда ерга эгалик қилиш фақатгина кичкина томорқалар (парцелла)лар сақланиб қолган эди. Деҳқонлардан тортиб олинган ерлар билан биргаликда, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳам тортб олинди. Энди сеньорлар ўша деҳқонларни ўзларига қарам қилиб олишган эди. Феодал қарамлик муносабатлари жадаллик билан ўрнатила борди. Бундай қарамликнинг кўриниш ва даражалари хилма-хил эди. Аксарият деҳқонлар серв ва вилланлар деб номлана бордилар¹.

Вилланнинг феодал мажбуриятлари ва шахсий қарамлиги бир-бирига боғлиқ эмас эди. Негаки вилланлар эркин деҳқонлар бўлганлар. Шунингдек виллан ўзининг шахсий таморқасини (парцеллани) бошқа шахсга сотиб юбориш мумкин эди. Бу эса ўз-ўзидан вилланнинг феодал мажбуриятларидан озод этарди ва сотиб олган шахсга бу мажбуриятлар унинг зиммасига ўтарди. Агарда виллан феодал мажбуриятларни ўз вақтида бажарса, сеньор бу таморқани (парцеллани) тортиб олишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ эди. Шундан сўнг виллан бу таморқани ўзининг меросхўрларига қолдириши мумкин эди.

Қарам деҳқонлар ҳаётининг ўзида ҳам ўзгаришлар юз берди. Каролинглар замонида оид ҳужжатларга қараб ҳукм чиқарганда куллар билан илгариги эркин кишилардан чиққан қарам деҳқонлар IX асрга келиб оқ умумий крепостнойлар оммаси бўлиб қўшилиб кетган эди. Бироқ қарам деҳқонларнинг бир қисми бир оз енгилроқ аҳволда бўлиб, бир қисми кейинги асрларда ҳам уларга қараганда оғирроқ ва ҳуқуқсизроқ эди. Масалан X- XI асрларда деҳқонлар икки тоифага : сервларга ва вилланларга бўлинар эди. Сервларнинг аҳволида юридик жиҳатдан ҳали баъзи қуллик аломатлари сақланиб қолган эди. Хўжайини розилик бермаса. Сервнинг уйланишига ҳаққи йўқ эди. Феодал сервдан махсус жон (бош) солиғи олар эди. Сервнинг ўз мол-мулкини бировга васият қилиб қолдиришга васият қилиб қолдиришга ҳаққи йўқ эди.

¹ Арзаканян М. Ц. История Франции / М.Ц. Арзаканян, А.В. Ревякин, П.Ю. Уваров. – М.: Дрофа, 2005. - 474

Вилландан кўра сервнинг аҳволи янада анча оғир ҳолатида эди. Негаки сервнинг мулки тўлалигича сеньорнинг измида бўлган. Сервлар керак бўлса вилланлар ҳам сеньорнинг фойдасига бир қанча мажбуриятлар, ўлпонлар ва тўловларни бажаришлари шарт эди. Ўша даврдаги ҳам серв учун, ҳам виллалар учун энг оғир феодал мажбурият боналитет эди. Боналитет тўлови- сеньорнинг асосий монополистик ҳуқуқи бўлиб, деҳқонларни нон печидан, тегирмондан фойдаланганликлари учун хизмат қилиб бериш мажбур эдилар.

Серв ўлгандан кейин унинг мол- мулки хўжайиннинг қўлига ўтар эди, хўжайин бу мол-мулкни меросхўрга бериб, ундан ҳақ тарзида бир бош яхши мол олар эди. Улар шахсан эркин ҳисобланар эди, лекин ер масаласида қараи тутқун эди. Уларнинг бажарадиган мажбурият ва тўловлари ер билан боғланган бўлиб, одатда муайян бир тарзда белгилаб қўйилган солиқ эди. Аммо ҳақиқий ҳаётга келганда сервлар билан вилланлар бир-биридан унча фарқ қилмас эди. Улар ҳам, булар ҳам мустақил хўжалик юритар эди, уларнинг ҳам, буларнинг ҳам оиласи, уй жойи, қишлоқ хўжалик асбоблари ва ер участкаси бор эди. Бу жиҳатдан вилланлар ҳам, сервлар ҳам феодал томонидан жуда қаттиқ эксплуатация қилинар эди, сервге қараганда виллан миқдор жиҳатидангина камроқ эксплуатация қилинар эди, ҳолос. Энг муҳими шуки, виллан ҳам ерга бириктирилган бўлиб, унда ҳеч қандай шахсий эркинлик йўқ эди¹.

Ўша даврда феодализм муносабатлари билан биргаликда бир қатор ишлаб чиқарувчи жараёнлар ривожланди. Бу жараён ривожланишига асосан хунармандчиликнинг қўшган ҳиссаси катта эди. Асосий хунармандчиликнинг тармоқларидан бири булар: темирчилик, тўқувчилик, кулолчилик ва бошқалар эди. Товар-пул муносабатларнинг жуда ҳам паст даражада ривожланганлиги сабабли иқтисодий алоқалар натурал хўжаликка асосланган эди. Франциянинг вилоятлари ўртасида доимий иқтисодий алоқалар ўрнатилмаган эди.

Юқорида таъкидланганидек хунармандчиликнинг ривожланиши оқибатида бир қанча шаҳар аҳоли сони ўсди. Аммо бу ривожланиш жуда паст даражада эди.

Франция қироллигининг давлат тузулиши асосан бир қанча фьефлардан- феодал эгаликлардан иборат (герцоглик ва графликлардан) иборат эди. Бу герцоглик ва графлик қисман ёки тўлалигича қирол ҳокимиятидан мустақил эди. Қирол ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларида жуда суст эди, айрим ҳудудларда эса деярли ўрнатилмаган эди. Зангин табақа вакиллари монархиянинг ҳокимиятиникучайишига йўл қўймасдилар. Лекин шу билан биргаликда бу табақа вакиллари Қирол ҳокимиятига қарши чиқишмасди ва шунингдек норозилик ҳам билдирмас эдилар. Негаки қирол ҳокимияти давлат

¹ . Батыр К.И. История феодального государства Франции.- М.: Наука, 1975

тузулмасининг асосий бўғини ҳисобланган ва монарх ҳокимияти атрофида ўша герцоглар ва графлар бирлашар ва жипслашардилар. Керакли вақтда қирол ҳокимияти байроғи остида ташқи ва ички душманларга қарши курашда ўзларининг кўшинларини ва аскарларини олиб келиб бирлаштирардилар.

Давлатнинг барча ерлари қонуний жихатидан қиролники ҳисобланарди. Бирок ерларнинг асосий қисми эса фьефлар сифатида амалда йирик феодаллар қиролнинг вассалари тассаруфида эди. Қирол уларнинг сеньори, йирик феодаллар эса унинг вассалари бўлган¹.

Одатда фьефларни берилиши ва вассалитет муносабатларни ўрнатилиши махсус шартнома билан белгиланган. Бу шартномани тузилиши махсус рамзий маросим – оммаж орқали ўрнатилган. Шундан сўнг вассал тантанали равишда ўз сеньорининг содиқ кули сифатида тан олган ва ўз хўжайинига қасамёд қилган. Шунингдек сеньор ўз ўрнида ўзининг вассалига махсус ҳокимият белгиларини тақдим этган. Масалан граф ва герцогларга- қўлқоп ва қилич берилган бўлса, диндор ва рухонийларга-скипетр (асов) топширилган. Бу маросим қиролнирамзий маънода улар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатганлигини билдирарди. Вассал ўзига тобе бўлган одамлари билан биргаликда сеньорининг фойдасига ҳарбий хизмат қилиб беришлари мажбур эди. XII асрнинг охирига келиб вассалнинг ўз сеньорига ҳарбий хизмати йиллига 40 кундан ошмаган. Вассал ўзини тўнғич ўғлини рицарлик унвонига ўтказганлиги сабабли ёки тўнғич қизини турмушга узатганлиги учун ва бошқа шунга ўхшаш маросимларни адо этиш учун сеньор фойдасига хизмат қилиб бериши шарт эди.

Ўз ўрнида сеньор ҳам ўз вассалига бир қанча масалаларда ёрдам бериши керак эди. Агарда вассалига кимдир ҳужум қилган бўлса унда сеньор ҳарбий ёрдам бериши мажбур эди. Айрим ҳолларда сеньор ўз вассаларини моддий тмонлама ҳам кўмаклашиб туриши шарт эди.

Қирол ҳокимиятини харчанд бундай чиройли маросимлари ва урф-одатлари бўлмасин, аммо лекин вассаларнинг бу даврда анча эркин ва мустақил булганини кўришимиз мумкин бўлади. Негаки вассаларда иммунитет берилганди. Бу ҳуқуқ вассалга тўла қонли равишда ўзининг ҳудудида ҳеч қандай тўскинликларсиз маъмурий, иқтисодий ва молиявий ишларини юритиши мумкин эди. Шунинг билан биргаликда ўзининг кўшинларини ва ҳарбий салоҳиятини ташкил этиши мумкин эди. Ўзининг ҳуқуқ доирасида суд ишларини ташкил этарди. Турли-хил солиқ ва мажбуриятларни жорий қиларди.

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов.- М.: Норма, 2000 г

Илк Француз қироллари бу даврда деярли ҳеч қандай кенг ваколатларга эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам унинг куч-қудратли вассалари ўзларини тўла қонли равишда эркин иш юргизардилар. Вассалар бир-бирлари билан ҳаттоки чет-эл давлатлари билан ҳеч қимнинг руҳсатисиз ташқи алоқаларини ўрнатардилар. Керак бўлса шундай шартномалар тузардиларки бу шартнома ўз қиролининг манфатларига путр етарди. Бундан ташқари вассалар ўзининг сеньори қирол билан ҳам уруш эълон қилиб унга қарши жанг олиб бориши мумкин эди¹.

Феодал тарқоқлик шароитида мамлақтни феодал низолар ва жанжаллар мамлақатни иқтисоди ва молиявий жихатдан ич кетидан емирарди. Бу эса ўз-ўзидан халқнинг ҳаёт турмуш тарзини ўта паст даражага тушириб юборарди.

Қиролни сайлов йўли орқали сайлаб олишарди. Қиролнинг вафотидан сўнг вассалар ва юқори француз руҳоний табақалари давлат раҳбарини яъни янги қиролни сайлашарди.

Ягона умудавлат органи сифатида Қироллик курияси ёки Буюк Кенгаш фаолият олиб борган. Бу орган X-XI асрларда дерли бутун мамлақатнинг барча ҳудудларида ўзининг таъсирини ўтказган. Буюк Кенгаш мамлақатнинг йирик феодалларининг қурултойи сифатида шаклланган эди. Бу қурултой ҳар замонда бир Қиролнинг раислигида ўтказиларди. Ҳар замонда ўтказиладиган қурултойда асосан ташқи ва ички сиёсатга тегишли бўлган масалалар кўриб чиқилиб, ҳал қилинар эди. Кўпинча бу йиғилишда қирол ҳокимиятининг кучсизлиги туфайли йирик ва анча қудратли бўлган феодаллар қиролга ўз ҳукмини ўтказардилар.

Капитинглар даврида ҳам худди франклар империяси ҳукмронлиги давридек маҳаллий бошқарув органлари тизимида ҳеч қандай ўзгаришларсиз сақланиб қолинган эди. Қиролнинг мулки (домени) унчалик катта бўлмаган. Ва ўз ҳукмини фақатгина мулкининг ҳудудида ўтказа олган холос. Қиролнинг бир нечта иш юритувчилари бўлиб, улар қўйидагилар, булар мини-стериаллар ва пресотажлар эди. Улар ўртасида қўйидагича фарқлар бўлган, мини-стериаллар қиролнинг саройида хўжалик ишлари билан биргаликда маъмурий ва молиявий ишларини юритган. Мини-стериаллардан ташқари яна превотажлар лавозими жорий этилган эди. Превотажлар худди мини-стериаллар каби вазфаси юклатилган эди. Фақатгина улар ўртасида фарқи шундаки, агарда мини-стериаллар марказда фаолият олиб борган бўлса, преволар эса мамлақатнинг бошқа ҳудудларида фаолият олиб боришганди. Мини-стериаллар ва прево фақатгина қирол олдида жавобгар эдилар.

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. - М.: Норма, 2000

Қироллик курияси ўша пайитда суд органи сифатида ҳам фаолят олиб бориган. Бу суд ўрта асрлар даврига хос бўлган “Тенглар суди”га асосланган юриспруденцияси жорий этилганди. “Тенглар суди” юқори тоифадаги аслзодалар суди бўлган. Қироллик курияси фақатгина йирик табақа вакиллари судлашиш мумкин бўлган. Суд жарёнида Қирол хакамлик ёки раислик вазифасини бажарарди. Агарда йирик феодалларнинг муаммоллари суд жараёнида хал этилмаган бўлса ёки томонлардан бирининг суд хукми қониктирмаган бўлса улар бир-бирларига уруш эълон қилардилар. Бу урушларни шахсий урушлар деб номланарди.

Қарам бўлган аҳоли вакилларини асосан сервларни уларнинг сеньорлари ёки мини-стериаллари ва преволар суд қилардилар. Бу ҳуқуқ тизими сеньориал – ҳуқуқ тизимининг таркибига кирган. Сеньорларнинг ваколатлари иммунитет ҳуқуқи асосида қурилган бўлиб, улар жуда кенг ваколатларга эга эдилар. Бундай ваколатга эга бўлган сеньор “юқори юстиция” тоифасига кирган. Кейинги суд вакиллик органи “қуйи юстиция” тоифасига кирган. “Юқори юстиция” суд вакиллик органи аввалом бор ўлим жазосига махкум бўлган жиноятларни кўриб чиқардилар. Бундай жиноятларга қотиллик, ўт кўйиб юбориш каби жиноятлар кирарди. Иккинчи “Қўйи юстиция” суд органининг ваколатларига барча турдаги жиноятлар кирарди, фақатгина ўлим жазосига махкум бўладиган жиноят турларига кирадиган тоифалардан ташқари. Бунга истисно тариқасида “қуйи юстиция” органи талончилик, йўлтўсарлик жиноятларини кўриб чиқиши мумкин эди, негаки бундай жиноятларга ўлим жазоси тайинланарди. Шунингдек аввалам бор сеньорларнинг зулми остида бўлиб ўтган ҳар қандай деҳқонларнинг қуролли кўзғалонларни ҳам талончилик жиноятига тенглаштирилганини ҳам биз назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

Мамлакатнинг айрим худуларида маҳаллий урф-одатларга кўра ҳамма сеньорларга бирданига “юқори” ва “қуйи” юстиция ваколатлари тақдим этилган. Сеньор ўзининг ҳарбий кучларига таянган холда ўз хукмини чиқариши амалда намоён бўларди. Ҳуқуқ ва зўравонлик, қонун ва ўзбошимчалик улар ўртасида ҳеч қандай чек-чегара қўйилмасди. Сеньор, йирик феодал ёки юқори табақа вакиллари ўз хўшига келган ишни қилардилар. Ўша вақтда суд тизими алоҳида, ҳеч қайси органга тобе бўлмаган ташкилот сифатида шаклланмаган эди. Бундай суд тизими энг биринчи ўринда юқори табақа вакилларининг манфатларига хизмат қилган¹.

Дин ва диний ташкилотлар ҳам биз кўриб чиқаётган даврда жуда ҳам катта ва кенг ваколатларга эга эди. Юқоридаги кўриб чиққан юстициялардан фарқли уларок черков суд-ҳуқуқ тизими ўзига хос ва хусусийликка тегишли бўлган суд жарёнларини кўриб чиқарди.

¹ Грацианский Н. П. Из социально-экономической истории западноевропейского средневековья.- М.: Наука, 1960 г

Дин ва диний характерга оид черков суди жиной ва фуқаролик ишларига тегишли бўлган ишлар кўриб чиқаларди. Бундан ташқари черков судлари динга қрши чиққанларни ва черков обрўсига путур етказганлиги учун жиной ишларни кўриб чиқиши мумкин эди. Бундай жинойтлар қўйидагилар: шаккоклик ёки дахрийлик, магия ва жодугарлик ёки сеҳргарлик, муқаддас жойларни ва черковларни булганлиги, диний рамзларни ва белгиларни хурмат қилмаганли ва шунга ўхшаш жинойтлар кирарди. Черков суди шунингдек гуноҳ билан боғлиқ бўлган жинойтга тенглаштириб суд қилиши мумкин эди. Бу жинойтлар таркибига: никоҳсиз турмуш қуриш, ёлғон гувоҳлик бериш, хож олдида берган ваъдасини бажармаслик ва шунга ўхшаган жинойтлар кирарди. Бироқ бундай жинойтларнинг ўша вақтда тўлиқ рўйхати тузилмаганди.

X-XI асрларда Францияда феодализм тартиби таркиб топди. Феодал ишлаб чиқариш усули Франция жамиятида ҳукмрон ишлаб чиқариш усули бўлиб қолди. Бу ишлаб чиқариш усулининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди: йирик помещчик ер эгалиги ҳукм сураб ва майда деҳқонлар ердан фойдаланар эди. Деҳқонлар ишлаб чиқариш воситаларига боғланган эди. Ғайри иқтисодий йўл билан мажбур қилиш ҳукм сураб эди. Буни мажбурий қарам меҳнат – баршчина деб номланади. Натурал хўжалик ҳукм сураб эд, қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик воситалари паст ва қолоқ эди.

Ғарбий Европа қолаверса Францияда ҳам жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари X асрга келиб анча ўсди. Бу вақтда қишлоқ хўжалигининг ривожини кўрсатидиган асосий нарсаси уч далали экиннинг тарқалиши эди. Уч далали тизим Каролинглар давридаги (IX аср) ҳужжатларида ҳамтилга олинади. IX -X асрларда бу система кейинча бутун Европа мамлакатларига тарқалди. Бироқ X-XIII асрларда ҳам бу тизим икки далали тизимини, баъзи жойларда эса хатто ерни партов қилиш тизимини ҳам бутунлай сиқиб чиқараолмади. Ўрта асрлар Европасида қишлоқ хўжалигининг ютуқларини кўрсатидиган иккинчи нарсаси ўтзорчилик, боғдорчилик, полизчиликнинг ривожланганлиги эди. Карл Буюkning машҳур “Поместьялар тўғрисида капитулярийсининг” айрим моддалари бунга жуда равшан далилдир. XI ва XII асрларда Франция ва бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларнинг агроном ёзувчилари бўлиб, уларнинг ҳосилни ошириш ер ҳайдашнинг сифатига боғлиқ эди. Шунинг учун X ва XI асрларда ер ҳайдашга қаттиқ эътибор берилар эди. Агар баҳори экин учун ер одатда бир марта дон сепишдан олдин сепиш олдидан ҳайдалса, кузги экин учун (бу асосий экин эди) ер икки марта, баъзан уч марта ҳайдалар эди. Ернинг хусусиятига қараб, ер 6-8 ҳўкиз қўшилган плуг билан чуқур қилиб ёки бир жуфт ҳўкиз қўшилган плуг билан юзароқ қилиб ҳайдалар эди. Шу билан бир вақтда илғорроқ поместьяларда гўнг, қисман минерал ўғит ишлатила бошлади. Ключний монастирининг ёзувларига кўра, жанубий Францияда донли ўсимликлар ҳосили XI асрда

беш бошгача етиб борган, ҳосилсизроқ йилларда эса ҳосил одатда тўрт бош, уч бош ва хатто ҳаи икки бош ҳаи бўлган¹.

Шундай қилиб, Ғарбий Европада шунингдек Францияда ҳам ишлаб чиқарувчи кучлари Рим имперяси даврининг охири асрларидагига ва халқларнинг Буюк кўчиши даври деб аталган давридагига нисбатан анча ўсди. Экин майдонлари анча кенгайди. Уй ҳайвонларининг сони кўпайди. Полизчилик ва боғдорчилик ривожланди, узумчилик кенг тарқалди. Аҳолини сони жуда тез суъратларда ўсди. XI асрда янги ерлар ўзлаштириш керак бўлиб қолди. Худди шу мақсад билан Франциянинг ўрмонларининг дарахтларини зўр бериб йиқитиш бошланди. Янги ишлаб чиқариш усули ўзидаги барча ижтимоий жиҳатдан ривожланиши таъминлаб, ишлаб чиқаришнинг аста-секин кенгайиб боришига имкон берди. Бироқ ўрта асрларнинг бу илк даврида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳар ҳолда жуда секин ўсди. Аҳоли оммасининг моддий турмуш даражаси жуда паст. Ўша вақтдаги деҳқонларнинг ғоят катта кўпчилиги сифатсиз, кучсиз овқат еб, ёмон, жуда хароб кулбаларда яшар, қўлда ясалган бесўнақай жихозлар тутиб, дағал, қўлда тўқилган кийим, ёғоч кавуш кийиб турмуш кечирар эдилар.

Феодал поместьеси – вотчина (сеньория) одатда бир қишлоққа тўғри келиб, баъзан бир неча қишлоқдан иборат бўлар эди, камдан-кам ҳоллардагина қишлоқнинг бир қисмини ташкил қилар эди, поместье мазкур даврда асосий хўжалик, ижтимоий ва сиёсий бўғини эди. Каролинглар замонидан қолган ҳужжатлардан маълум бўлишича, IX асрдаги сингари, бу даврда ҳам крепостной деҳқонлар ўзининг чек ерида деҳқончилик қилар эди ва бу ер эвазига хўжайиннинг ерини экиб берар ёки помещчикка қисман маҳсулот тарзида рента тўлар эди. Бироқ X- XI асрларда хўжайиннинг (домениал) ери VIII- IX асрлардагига қараганда қисқарган эди. Сеньор қолган ерини ҳам чек ер қилиб бўлиб беришна фойдалироқ деб билар эди. Лекин шу билан бирга у маҳсулот тарзида тўланадиган рентани кўпайтирди. Қисман XI асрдаёқ баъзи жойларда натурал ренталар (баршчина шаклидаги ишлаб бериш рентаси ёки натура шаклидаги маҳсулот рентаси) ўрнига пул тўлаш, (пул рентаси) жорий қилина бошлади.

Феодал иерархияси. Вотчина сеньория сиёсий жиҳатдан кичкина бир давлатга ўхшаган нарсаси эди. Бу давлатнинг ҳокимияти сеньорнинг ўзи поместье эгаси, йирик маҳаллий феодал бўлиб, у маҳаллий аҳолини суд қилар, қатл этар ва авф қилар эди, атрофидаги ўзига ўхшаш помещчик-ҳокимлар билан уруш олиб борар эди. Лекин унинг ўзи ҳам одатда ўзидан каттароқ бир сеньорга қарам бўлиши бўлиб, унинг вассали эди. Бу катта феодал сеньор ҳам ўзидан каттароқ сеньорга қарам бўлиши мумкин эди. Бу

¹ Очерки социально-экономической и политической истории Англии и Франции XIII – XVII вв. / Под ред. В. Ф. Семёнова. – М.: 1960 г

қарамлик муносабатлари тизмасы қиролнинг ўзигача тизилиб борар эди, шундай қилиб, қирол бутун феодал поғоналари ёки иерархиясининг бошлиғи эди. Дунёвий феодаллардан ташқари руҳоний феодаллар: папалар, архиепископлар, епископлар, аббатлар ва шу кабилар ҳам мавжуд эди. Феодаллар табақавий зинапояси одатда юқори ва қуйи табақаларга бўлинарди. Қирол ва унга тобе бўлган йирик территориал князлар, герцоглар ва графлар феодалларнинг юқори табақаси эди. Улар уруш олиб бориш, ўз пулларини зарб қилиш ҳуқуқига эдилар. Суд ва қонун чиқариш ишлари тамоман уларнинг қўлида эди.

Вассаллик-ленлик муносабатлари. Феодалнинг ер-мулки- феодал ёки лен битта поместьедан, бир нечта поместьедан, бутун бошлиқ князлик, хатто қироликдан иборат бўлиши мумкин эди. Лекин ҳар бир феодалнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятлари бор эди: 1) феодал, ҳаммадан бурун, “паст” деҳқонларга хос мажбуриятларни ўташ билан боғлиқ бўлган деҳқон мулкидан фарқ қилиб, дворян мулки, “асл” мулк эди; 2) феодал одатда муайян бир хизматни, биринчи навбатда, ҳарбий хизматни ўташ билан боғланган эди; 3) феодал – юқори сеньорга вассал тобеликдаги қарам мулкдир, яъни аллоддан фарқ қилади, аллод X-XI асрларда жуда кам учрар эди; 4) феодал –наследан-наследга мерос бўлиб ўтадиган мулк эди (у ўзидан олдинги бенефицийдан шу билан фарқ қилар эдики, бенефиций ҳарбийларнинг ер мулки эди, лекин наследан-наследга мерос бўлиб ўтмас эди). Вассаларнинг асосий мажбурияти ҳарбий хизматни ўташдан иборат эди, бу хизмат одатда 40 кун белгиланганар эди¹.

¹ . Плешкова С. Л. Французская монархия и церковь (XV – середина XVI в.) / С. Л. Плешкова. – М.: Изд-во МГУ, 1992

2 Францияда феодаллашув жараёнида шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

X-XIII асрларда шаҳарларнинг раванқ топганлиги кўрилади. Бу даврда шаҳарлар кўшни феодаллар билан қаттиқ кураш натижасида эркинликни қўлга киритадилар. Шаҳар хунармандчилик ишлаб чиқариш мустақамланиб, хунармандлик цехлари тарзида ўзига хос ташкилий формага эга бўлди. Франциянинг шаҳарлараро ва халқаро савдо-сотиқнинг ривожланиши катта иқтисодий куч ва сиёсий таъсирга эга бўлган гильдия ва ганзалар тарзида махсус савдогарлар иттифоқларининг ташкил топишига сабаб бўлди. Савдо-судхўрлик ва айрибошлаш операцияларининг ривожланиши асосида банклар майдонга кела бошлади. Шаҳарлар қишлоққа тобора кўпроқ таъсир кўрсатиб, қарамлик тузумининг емирилишига ёрдам берди.

Шаҳарлар яшай бошлаган илк даврда улар, одатда, кўшни феодалларга қарам эдилар. Шаҳарлар одатда сеньорлар тайин этган гумашталар томонидан бошқарила эди. Хамма жойда шаҳар ҳатто битта феодалга эмас, балки бирйўла бир неча феодалга қарар эди. Масалан, Франциянинг шимолидаги Амьен шаҳри айни вақтда тўртта сеньорга қарар эди. шунингдек, Франциянинг жанубидаги кўхна Рим шаҳри Арлга бир вақтда тўртта феодал хўжайинлик қиларди. Бироқ шаҳарлар ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириб, иқтисодий жиҳатдан мустақамлангандан ҳамда цех ва гильдияларга уюшганларидан кейин улар сеньор ҳукумронлигиданхалос бўлиш учун кураш бошладилар. Баъзан шаҳарликлар катта пул тўлаб, ўзларини ўзларини сеньорлардан кутказдилар. Аммо фақат бой шаҳарларгина шундай қиларди. Чунончи, Франциянинг жанубидаги шаҳарлар ана шундай йўл билан халос бўлган. У қадар бой бўлмаса ҳам, аммо хунарманд аҳолиси мустақам уюшган шаҳарга кўпроқ куч ишлатиб ўз эркини қўлга киритишга тўғри келарди. Бу жиҳатдан шимоли-шарқий француз шаҳарлари феодаллар билан қаттиқ курашнинг жуда ёрқин намуналарини кўрсатдилар. Бу ерда XI аср охиридан эътиборан ва XII аср мобайнида кўзғалонлар кўтариш йўли билан 40 га яқин шаҳарлар сеньорлардан озод бўлиб, улар эркин шаҳарлар ёки шаҳарлар-коммуналар ҳуқуқини олдилар. Француз кироллари дастлаб кимни қувватлаш- феодалларними ёки шаҳарларни қувватлаш керакми деган масалада қолган эдилар. Аммо йирик феодалларга қарши курашда шаҳарлар кироллarning муҳим

таянчи эканлигини тез орада қироллар тушуниб етдилар. XII аср ўрталаридан этиборан қирол ҳокимияти билан коммуналар ўртасида мустаҳкам иттифок ўрнатилди. Шаҳар – коммуналар йилига қиролга муайян бир миқдорда пул тўлар ва унинг уришлар олиб бориши учун қўшинларнинг кичик бир отрядини юборар эдилар. Шаҳар-коммуналарининг қиролга қарамлиги ҳам ана шу билангина чегараланар эди. коммуналар қиролнинг жамоавий вассалларига ўхшаб кетарди. Улар ички идора ишларида тўла автономиядан фойдаланардилар. Коммуналарни сайлаб қўйиладиган шаҳар кенгаши ва судлари, ўз шаҳар қўшини, ўз байроғи бўлар эди¹.

Аммо, бордию шаҳарлар коммуналар бўлмаса ҳам, улар ё қироллар, ёки маҳаллий князь-феодаллар томонидан берилган бир қанча енгиллик ва имтиёзларга эга эдилар. Француз ва ингилиз қироллари “катта пул эвазига” кўпинча шаҳарларга ёрлик грамоталари бераверар эдилар. Бу ёрлик грамоталарига мувофиқ шаҳарликлар ўзларининг сайлаб қўйиладиган кенгашларига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритардилар; бироқ, шу билан бир қаторда, кенгашларнинг ёнгинасида қирол амалдори ҳам иш қўраверар эди. Шаҳарликлар қиролга маълум миқдорда солиқлар тўлар эдилар, бу солиқларни шаҳар аҳолисига шаҳарликларнинг ўзлари тақсимлардилар. Шаҳарликлар ўз шахси ва мулкий ҳуқуқлари учун кафолат олардилар, ўз ўрнида албатта. Шаҳарликларнинг ер мулки қарамлик мулки эмас, балки эркин мулк, деб қараларди. Барча крепостнойлар шаҳарда бир йилу бир кун истиқомат қилгудай бўлсалар, улар озод кишиларга айланардилар. «Шаҳар хавоси инсонни эркин қилади» деган машхур мақол ана шу заминда келиб чиққан. Шаҳарликларга савдо – сотиқ қилиш эркинлиги, бозор очиш, цех ва гилдиялар ташкил қилиш ҳуқуқи берилди.

Ўрта аср шаҳари ҳозирги замон шаҳарларидан кесин фарқ қиларди. Аввало у, одатда шаҳар- қалъадан иборат эди. Ҳар жой –ҳар жойида миноралари ваочилиб ёпиладиган дарвозалари бўлган қалин ва баланд шаҳар деворлари шуни кўрсатар эди. Шаҳарнинг асосий қисми («бург») девор билан ўраб олинган бўлиб, вақт ўтиши билан шаҳар атрофидаги ерлар ҳам кўрғон девори билан беркитиладиган бўлди. Бундай тарзда шаҳар бир қанча концентрик халқаларга ўхшар эди. хунармандлар билан савдогарлардан иборат бўлган шаҳарликлар шаҳар қўшинларида ҳар доим ҳарбий хизмат ўтардилар. Шаҳар аҳолиси ҳарбий ишни билиши, ҳар қайси одам ўз хонодоида муайян қурол яроғ захирасиги эга бўлиши лозим эди. бундан ташқари: одатда шаҳарда умумий аслаҳа қурол-омбори бўлиб,уруш хавфи туғилган вақтда шаҳар аҳолисига шу омбордан қурол яроғ тарқатиларди.

¹ Очерки социально-экономической и политической истории Англии и Франции XIII – XVII вв. / Под ред. В. Ф. Семёнова. – М.: 1960

Ўрта аср шаҳарлари одатда унча катта бўлмас эди. шаҳар территориясининг чекланган бўлиши мудофаа иншоотлари қўриш заруриятини келтириб чиқарди. шаҳар заминин ҳар қанақа қилиб бўлсада, иқтисод қилинарди. Кўчалар тор бўларди. Уйлар бир неча қават қилиб қуриларди, шу билан бирга, юқори қаватларнинг ҳар бири қўйи қаватларга қараганда олдинга туртиб чиққан бўларди, шунинг учун хатто офтобли кунларда ҳам бу ернинг кўчаси ярим қоронғи бўларди. Бундай шароитда шаҳарларда, табиий боғ-роғ қилиш ва бошқа кўчатлар ўтказишга кам жой қоларди. XII-XIII асрларда Францияда шаҳар бинолари кўпроқ харсантош ва ғишдан қуриларди, бу эса нафақат Францияда балки Ғарбий Европага тегишли қурилиш материаллар мавжудлигини кўрсатарди. Бироқ шаҳар уйларининг архитектураси, умуман олганда, унча мураккаб бўлмаган ва бир хилда қурилган. Жамоат бинолари – шаҳар соборлари ва черковлари, шаҳар ратушаси (шаҳар бошқармаси жойлашган уйлар) ва бой савдогарларнинг ҳамда шаҳарларда истиқомат қилувчи феодалларнинг оз сонли уй саройларигина ўзларининг катталиги ва ҳашаматлари билан бошқаларнинг уйларида ажралиб турарди. Ўрта аср шаҳарлари аҳолисининг сонига кўра ҳам унча катта эмас эди. Аҳолиси 8,10, 15, 20 минг кишидан иборат бўлган шаҳарлар жуда катта шаҳарлар ҳисобланарди. Аҳолиси 4-6 минггача бўлаган шаҳарлар ўртача шаҳарлар ҳисобланарди. Минглик ва икки минглик аҳолили шаҳарчалар кўп эди. Ҳақиқатда булар ярим шаҳар, ярим аграр қишлоқлар бўлиб, улардаги аҳоли ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги билан алоқаси деярли ўрта аср охиригача сақланиб қолди ва аҳолиси одатда сизир, чўчка, эчки ва бошқа уй ҳайвонлари асрайдиган каттароқ шаҳарларда мол боқиладиган яйловлар ва баъзан, хатто шаҳар атрофидаги қўшни жойларда ҳайдаб экин экиладиган кичик-кичик таморқалар ҳам бўлар эди¹.

Бироқ, умуман олганда, Франция шаҳари эндиликда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази эди. Унда қишлоқ хўжалиги ёрдамчи бир касбга айланиб қолган эди. Ўрта асрлар даврида шаҳарнинг саноат ва савдо ишлари билан шуғулланиши унинг ташқи қиёфасида ҳам ўз аксини топди. Шаҳардаги айрим кўчаларда буткул ҳунармандлар ёки бошқа касб эгалари жойлашганлиги туфайли бу кўчаларнинг номлари ҳам шу касбларга монан қилиб қўйиларди. Деярли ҳар бир шаҳарда темирчилар, тўқимачилар, қуролсозлар, қулолчилар, маҳсидўзлар, кўнчилар деган кўчалар ва бошқа номли кўчалар бўларди. Ҳунармандчилик ишхонаси (устахона)нинг дорчаси одатда кўчага қараган бўлиб, кўчадан ўтиб боровчи одамлар ҳунармандчилик ишхонаси ишлаб чиқарган барча маҳсулотни шу

¹ Очерки социально-экономической и политической истории Англии и Франции XIII – XVII вв. / Под ред. В. Ф. Семёнова. – М.: 1960

дарча оркали кўра олар эди. Ёзда деразаси баландга кўраб қўйилган бўлиб, истеъмолчи шу очик деразадан керакли нарсаларни устахонанинг ўзидан сотиб олиши мумкин эди.

Цехлар ва уларнинг уюштирилиши. Францияда ўрта асрларда цех хунармандчилиги саноат ишлаб чиқаришўининг асосий формаси ҳисобланар эди. цехлар шу шаҳардаги муайян бир касб эгаларининг бирлашмасидан иборат бўлиб, аввало улар товарлар ишлаб чиқаришда ва уларни маҳаллий бозорга чиқариб сотишда монопол аҳволни сақлаб қолишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. XI аср охири - XII аср бошларидаги манбааларда дастлабки цех ташкилотлари бўлганлиги эслатиб ўтилади. Цехларнинг кўпчилиги XII асрнинг иккинчи ярмида, XIII асрда ва ҳаттоки XIV аср бошларида вужудга келган. Бирор бир шаҳардаги цехлар сони биринчи вақтларда унча кўп бўлмаган. Вақт ўтиши билан цехлар майдалашиб, уларнинг сони йирик шаҳарларда ўнлаб ва ҳатто юзлаб ҳисобланган.масалан, тўқимачилик саноатида ип йиғириш, тўқиш, бўёқчилик, жун титш, жун саваш ва ҳоказо цехлари бўлган. Темирчилар цехи вақти билан қуролсозлар, қозончилар (дегрелар), аррачилар ва ҳоказо цехларга бўлиниб кетган.

Шундай қилиб, цехлар ўрта аср ишлаб чиқаришидаги меҳнат тақсимотини ўзига хос бир кўриниши эди. янги хунармандчилик касбининг майдонга келиши янги хунармандчилик уехининг пайдо бўлишини тақозо қилади. Уста – цехнинг асосий сиймоси эди. у ўз хусусий ишхонасига ва иш қуролларига эга бўлган.бир ёки бир нечта халфаси, бир ёхуд бир нечта шогирдлари бўлган майда ишлаб чиқарувчи эди. уста, халфа, шогирд ўзига хос цех иерархияси (вуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга бўйсунити тартиби) эди.уста бўлмоқ учун, тахминан, иккита биринчи (қуйи) босқични босиб ўтиш лозим эди. цехларда ишлаб чиқаришнинг батафсил тартиби (регламентикаси) бўларди. У ёки бу цех усталари томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар ва ноизирлари айрим усталарнинг ишлаб чиқаришда ҳам, ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни бозорга чиқариб сотишда ҳам маълум қодаларга риоя қилишларини назорат қилиб турардилар. Цех аъзолари паст сифатли буюм ишлаб чиқариш, хом ашёдан кўп запис қолдириш, умум ишлатиладиган меҳнат қуролларидан ташқари бирорта бошқа қурол ишлатиш, товарларни олиб – сотарларга (чайқовчиларга)соитш белгалаб қўйилгандан ортиқча халфа ва шогирдлар ишлатиш ман этилганди. Цех ишнинг бир вақтда бошланиб, бир вақтда тамом бўлишини кузатиб борарди. Бу барча тадбирларни амалга оширишдан муддао цех аъзолари ўртасида тенгликни сақлашга, ўзаро рақобат бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, бозорга цех аъзоси бўлмаган бегона кишиларни киритмаслик эди.

Цехлар ҳали кучсиз бўлган шаҳар хунармандчилигини ташқи конкуренциядан (крепостнойларнинг ер – мулк ёнидаги хунармандчилигининг, шунингдек, қишлоқлардаги эркин хунар эгаларининг ва бошқаларнинг конкуренциясидан) сақлаб,

Ўзлари яшай бошлаган давтлабки даврда ижобий роль ўйнади. Бу цехлар техника тажрибасини сақлаб қолиб, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос мактаби бўлди. Цехлар қўшни феодалларга ва маҳаллий патрициатларга¹ қарши курашда шаҳарликларни бирлаштириб, сиёсий ташкилотлар сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ XIV асрнинг ярмидан Францияда цех тузumi емирила бошлади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши ва бозорнинг кенгайиши муносабати билан ҳунармандлар ўртасидаги тенгилк йўқолди. Айрим цехлар ўртасидаги тенглик ҳам йўқ бўлди. Камбағал (кичик) цехлар бойроқ (катта) цехларга қарам бўлиб қолади. Бутун – бутун цехлар кўпинча товарларни узоқ жойлардаги бозорларга олиб бориб пулловчи судхўрнинг таъсири остига тушиб қолар эди. баъзан хом- ашё (жун, зиғир ва ҳ.к) эгаси бўлган савдогар цехда хоҳлаганча тартиб ўрнатиб, цехни қандайдир коллектив ишчига айлантирардики, булар ўша савдогарга қарам бўлиб қоларди.

Шу билан бирга халфаларнинг аҳволи кескин ўзгарди. Агар илк даврда халфа орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин уста бўлишни умид қилса (гарчи бу вақтда ҳам уста бўлиш амалда ҳамиша мумкин бўлавермаса ҳам), лекин кейинги даврда унинг уста бўлиши мутлақо мумкин бўлмай қолди. Усталик унвони, одатда, наслдан – наслга мерос бўлиб ўтадиган бўлди. Устанинг ўғли ёки куёви уста бўлиши мумкин эди-ку, лекин ёт шахс ҳеч қачон устга бўла олмас эди. халфалар оддий йлланма ишчиларга ёки ўша вақтнинг таъбирича, “абдий халфалар”га айланиб қоларди. Айни замонда цех техника жиҳатидан такомиллашган қурол – асбобларни киритишни ман этганлиги ва барча ҳунарманлардан ишлаб чиқаришнинг анъанавий, эскирган усул ва қуролларга риоя қилишни талаб этганлиги туфайли, у эндиликда техника тараққиётига тўсқин бўлиб қолди.

Ўрта аср шаҳарида синфий курашнинг уч босқичи. Шундай қилиб, ўрта аср шаҳари умуман олганда, синфий курашнинг уч босқичини бошидан кечирди. Бошда шаҳарликлар ўз мустақилликлари учун феодалларга қарши умуман фронт бўлиб курашдилар. Коммунага эга бўлиш ҳукуқи учун қилинган ҳаракат ўрта аср шаҳарининг бу илк давридаги курашнинг энг ёрқин ифодаси бўлиб, бу вақтда савдогарлар, ҳунармандлар, халфалар биргаликда феодалларга қарши бош кўтариб чиққан эдилар. Хронологик жиҳатдан бу кураш XI – XII аср ва XIII аср бошларига тўғри келади.сўнгра, цех ҳунармандлари патрициат олий табақасига қарши бош кўтариб чиқиб, бир қанча шаҳарларда “цех революциялари” деб аталган революциялар натижасида патрициатнинг олий табақасини бутунлай ағдариб ташладилар, ёки уни ўз ҳокимиятини цехлар билан

¹ Патрициат - оқсуяк

шерик қилишга мажбур этдилар. Айни шу замонда Франция шағарларида – Парижда, Руанда, Лионда ва бошқа шаҳарларда ҳам бу курашга доир анча – мунча фактлар бор.

XIII асрда Европадаги турли мамлакатларнинг товарлари келиб йиғиладиган энг гавжум савдо жойи – Шампань ярмаркаси эди. Ярмаркалар бир – бировидан унча узок бўлмаган Шампаннинг тўртта шаҳарида (Труа, Бар, Бри ва Ланьи) бўлиб, ҳақиқатда бутун йил бўйи савдо давом қиларди. Шампань ярмакалари ўрта асрдаги вақти- вақти билан бўладиган савдодан (ярмака” сўзининг асл маъноси “йилда бир марта бўладиган савдо” демакдир) янги замон савдоси учун характерли бўлган доимий, мунтазам, кундалик савдо оборотига кўчиш формаси эди¹.

Юз йиллик уруш муносабати билан XIII асрнинг иккинчи ярмида Шампань ярмакалари ўз аҳамиятини йўқотди. Уларнинг ўрнига Лион шаҳри қад кўтариб, унинг ярмакалари ҳам кенг халқаро аҳамиятга эга бўлди. Кейинроқ, XV - XVI асрларда Женева шаҳри ва унинг машҳур ярмаркаси йирик халқаро савдо маркази ўрнинин эгаллади.

XIII асрда иқтисодий жиҳатдан энг тарққий этган Францияда деҳқонларни крепостной қарамдан озод қилиш жуда тезлашди, аммо, шунга қарамай бу жараёни ҳамма ерда ҳам бир хилда жадаллик билан боргани йўқ. Маҳсулотларни бозорга чиқариб сотиш истикболига муккаси билан кетган феодаллар, баъзан ҳатто баршчинани² кучйтирмоқчи ҳам бўлдилар. Лекин бундай “феодал реакцияси” одатда деҳқонларнинг қаршилигига дуч келарди, бу қаршилик эса баъзан йирик қўзғолонларга айланиб кетарди, бу ҳол феодалларин батамом пул рентасига ўтишлик учун розилик беришга мажбур этди.

Иккинчи томондан, пул хўжалиги ривожланиши натижасида деҳқонларнинг ўзларини ичида кескин мулкый табақаланиш бошланди. Деҳқонлар орасидан батракларни эксплуатация қиладиган, судхўрлик билан шуғулланидиган, помещчиклардан ёки бақувва, бой хўжаликлар ажралиб чиқа бошлади. қишлоқнинг бошқа қисмида кўп сонли кам ерли деҳқонлар майдонга келди. Помешчиклар ва бой деҳқонлар бу кам ерли деҳқонлар орасидан ўзларига қишлоқ хўжалик ишчиларини териб олар эдилар.

¹ . Калашникова В. В. Франция / В. В. Калашникова. - (В помощь преподавателям и студентам) //Образование в регионах России и СНГ. – 2006 г

² Баршчина – крепостнойлик даврида деҳқонларнинг помещчик фойдасига мажбуран текин ишлаб бериши

3. XI-XIII асрларда Франциянинг сиёсий марказлашувининг шарт-шароитлари

XI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан шаҳарларнинг ва товар-пул хўжалигининг ривожланиши заминида Францияда сиёсий марказлашиш жараёни бошланди. Парчаланиб кетган давлатларни бирлаштириш, қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва кучайтириш жараёни юзага келди. “Тенглар ўртасида биринчиси”гина бўлган қиролликдан иборат шаклсиз феодал монархияси секин асталик билан якка хукмдорга қирол ҳокимияти кучая борди.

Биринчи Капетинглар ҳокимияти дастлаб тамомила заиф эди. X-XI асрларда Франция Ғарбий Европанинг энг тарқоқ монархияларидан бири эди. Қирол бу ерда князь- феодаллардан бирининг, хаттоки кучли бўлмаган князь феодалнинг оддийгина ўрнини эгалларди. Кўпгина кўшни йирик феодаллар, ҳар қайси ўз ҳолича қиролдан кучлироқ эди. ва фақат феодалларнинг ўзаро рақиблиги, черковнинг, кейинроқ эса шаҳарларнинг Капетингларни қўллаб- қувватлаши, бу сулола вакилларининг усталик қилиб, охишта сиёсат юргизиши биринчи пайтларда лоақал ўз уруғининг қироллик унвонини қўлдан чиқармай, балки уни налдан-наслга мерос қилиб қодириш имконини берди. Қирол ўзининг меросий доменида- Иль де Франс герцоглигида озми-кўпми хўжайин эди. бу нисбатан камбар минтақа бўлиб, шимодан жанубга қараб чўзилиб кетган ва аммо иккита каттагина шаҳарни – Париж билан Орлеанни ўз ичига олган эди, шу билан бирга, бу территорияга бошқа мулклар ҳам сукулиб кирган эди.

Қирол домени (юрти) территорияси Франциядаги икки муҳим дарёнинг , яъни Сена билан Луара дарёсининг ўрта оқим бўйларидаги ерларни ўз ичига олса-да, лекин бу дарёларнинг мансаблари, қуйи ва юқори оқимлари бўйларидаги жойлар бошқа феодалларга қарашли эди. қирол доменининг халқа қилиб қраб олган энг йирик феодал князлик мулклари қуйидагилар эди: шимолда – Фландрия графлиги, Нормандия герцоглиги, Бретань герцоглиги, ғарбда – Анжи графлиги ва аквитания герцоглиги, жанубда – Овернь графлиги ва кўнгра Тулуза (Лагедок) графлиги шарқда – Шампан графлиги ва Бургундия герцоглари бор эди. хатто қирол ўзига қарашли доменда ҳам маҳаллий баронларга қарши қаттиқ кураш олиб борарди. Қирол Париждаги Орлеанга борганида уни кўпдан – кўп қуролли мулозимлар албатта кузатиб боришлари керак эди. ҳокимиятни отадан ўғилга мерос қилиб қодириш одатини сақламоқ учун Капетинглар X – XI асрлар даврида ва хатто XII асрнинг биринчи ярмида ҳам қирол валиаҳдига ўзи ҳаёт

вактидаёқ тож кийгизиш урф – одатини бажарар эди. “Қари қирол” ёнида одатда “ёш қирол” ҳам қиролликни бошқарар эди¹.

XII асрнинг биринчи ярмидагина Людовик XI ва Людовик XII ҳукмронлик даврида қирол ҳокимияти бир қадар юксала бошлади. Людовик VI Семиз (1108 – 1137йй) деярли бутун ўттиз йиллик ҳукмронлик даврини ўз доменидаги баронларга қарши кураш билан ўтказиб, пироварди уларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Шимолий Францияда саноат шаҳарларининг гуриллаб ўсиши муҳим сиёсий натижаларга эга бўлди. Франциянинг бу қисмида юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шаҳарлар коммуна ҳукуқини олиш учун зўр бериб ва қаттиқ ҳаракат қилдилар. Людовик VI бошда иккиланиб, шаҳар ҳаракатига нисбатан дарҳол қулай мавқеини эгалламади. Аммо Людовик VII даврида (1137 – 1180йй), айниқса ундан кейинги қирол – Филипп II Август давридаёқ қироллик ҳокимияти шаҳарларнинг маҳаллий феодалларга қарши олиб борган курашида шу шаҳарларни қатъиян қўллаб – қувватлади.

Людовик VII даврида қирол сулолавий никоҳ йўли билан жануби – ғарбдаги жуда катта герцогликни – Аквитанияни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Аммо, тез орада қирол Элеонора Аквитанская биланқўйди – чикди бўлгандан кейин бу катта сиёсий ютуқ пучга чикди. Бунинг устига Элеонорага шошиб – пишиб уйланиб олган инглиз қироли Генрих II Плантагенет бу энг бой вилоятнинг эгаси бўлиб олди ва Капетингларнинг хавфли рақибига айланди. XII аср ўрталарида Франциянинг деярли бутун ғарби (айни замонда Анжу графлари бўлган) инглиз Плантагенетлари қўлига ўтди. Плантагенетлар мулкига Анжу, Бретань, Аквитания, Гасконь, Оверннинг бир қисми, Турень, Пуату, Мен, шунингдек, Франциянинг шимолидаги Нормандия герцоглиги кирар эди. француз мулкларига эга бўлган Плантагенетлар Франция қиролининг вассаллари ҳисобланадилар. Аммо бу вассалларнинг мулклари қирол доменидан бир неча марта каттароқ эди.

Людовик VII иккинчи салб юришда қатнашди, лекин бу юриш унга кам фойда келтирди. Лекин қирол йўқ вақтида мамлакатни идора қилиб турган аббат Сугерий ҳам маҳаллий маҳаллий баронларга қарши муваффақиятли курашни давом эттирди.

Шаҳарларнинг феодалларга қарши олиб борган курашларида Сугерий ҳам бу шаҳарларни зўр бериб қўллаб – қувватлади. Ниҳоят, савдо божлари кўпайиб борганлиги туфайли, шунингдек, қирол ер – мулкларидан келадиган давромадларнинг ортиббориши натижасида ўсиб борган қироллик молия ишларини ғоят зўр қобилият ҳаси бўлган Сугерий тартибга туширди.

¹ Виллар Ж. Формирование французской нации (X – начало XIX в) / Ж. Виллар, К. Виллар. – М.: Иностранная литература, 1957.

остида француз ерларини бирлаштириш сиёсатини изчиллик билан олиб бориб, бу ишда порлоқ ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Филипп қироллик доменида жойлашган француз шаҳарлариг ҳам, бошқа князь – феодалларга қарашли территориядаги шаҳарларга ҳам ҳомийлик кўрсатди. Филипп II Август ўзи ҳукамронлик қилган даврнинг бошларидаёқ шимолдаги Пикарияни ва Вермундуани қироллик доменига қўшиб олган эди. унинг Плантагенаетлар билан бундан кейинги олиб борган кураши катта ғалаба билан тамом бўлди. XIII аср бошларида Филипп II Август француз мулкларининг кўпчилигини: Нормандия, Анжу, Мен, Турень, Пуатунинг бир қисми (1204 -1214йй)ни Плантагенетлардан тортиб олди. Французларнинг инглиз қироли Иоанн Ерсизни (1214 йил июлининг бошида Ларош О’Муан ёнидаги жангда) ва унинг иттфоқчилари – Фландрия графини ва герман Феодалларини (ўша 1214 йил июлининг охирида Бувин ёнидаги жангда) мағлубиятга учратган 1214 йил ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бувин ёнидаги иккинчи жангда – эркин француз коммуналаридан ташкил топган шаҳар лашкарлари катта роль ўйнади., бу билан қирол ҳокимиятнин шаҳарлар билан тузган иттфоқи очик – ойдин намоёиш қилинди.

Юқорида номи айтиб ўтилган мулклар қўлга киритилиши натижасида Филипп II Ла – Маншга ва Атлантика океанига бемалол чиқадиган бўлди: энг муҳим икки дарё – Сена билан Луара мансаблари эндиликда тамомила француз қиролига қарайдиган бўлди. Қисқа муддат ичида қирол домени терристорси бир неча марта кўпайди. Филипп II даврида бошқа муҳим мулклар: қирол доменининг ғарбидаги Блуа ва унинг жанубидаги Овернинг бир қисми, Франциянинг энг жанубидаги Лангедокнинг шарқий қисми (Тулуза графлигига қарашли мулклардан тортиб олинган қисми) ҳам қўшиб олинди. Шарқий Лангедок ¹ Филипп II қироллигининг охиридаёқ қўшиб олинган эди. бу маҳалда қиролнинг ўғли шахзода Людовик (бўлғуси Людовик VIII) папа Иннокентий III нинг даъватибилан еретик альбигойларга қарши салб юришида қатнашган эди.

Филипп II даврида қирол доменига кўп миқдорда ерлар қўшиб олиниши муносабати билан муҳим маъмурий роформа ўтказилди. Қиролликка қарашли барча мулклар бальяж деб аталувчи тенг маъмурий округларга бўлиниб, уларга қироллик губернаторлари – **б а л ь я л а р** бошлиқ қилиб қўйилди.бальялар ўз функциялари жиҳатидан Буюк Карлнинг графларини эслатардилар. Бальялар қарамоғида суд, солиқлар йиғиш, лашкарлар чақириш ишлари бўларди. Бальялар вақти- вақти билан қиролдга ёзма ҳисобот бериб туришлари лозим эди. бальялар одатда қисқа муддатга ва саройга яқин турган

¹ Лангедок – тор маънода Тулуза графлигига қарашли мулклар демакдир, кенг маънода Франциянинг бутун жанубини ўз ичига олиб, бунда яшовчилар шт\имолий париждиклар лаҳжасидан фарқ қилиб, алоҳида жанубий провонсал лаҳжасида сўзлашар эдилар.

кишилардан тайинланиб, улар маҳаллий провинциал зодагонларга қавм – қариндош бўлмаслиги ёки бирор масалада улар билан яқин муносабат бўлмаслиги шарт эди. Филипп II даврида жами бўлиб 20 бальяж ташкил қилинган эди. Жанубда, Лангедокда бальялар ўрнига **сенешаллар** тайинланади. Сенешалларнинг бальялардан фарқи шунда эди-ки, сенешаллар маҳаллий дворянлар орасидан чиққан амалдорлар эди. қиролд ҳокимиятининг жанубдаги таъсири, табиий, шимол, ғарб ва хусусан қироллик марказидагига қарағнада заифроқ эди.

Людовик VIII қисқа вақт қироллик қилганидан кейин Филипп II нинг набираси, шарққа қилинган сўнгги салб юришларининг ташкилотчиси Людовик IX Авлиё Францияда узоқ вақт ҳукмронлик қилди. Людовик IX (1226 – 1270йй) тахтга чиққанида эндигина 11 ёшга тўлган бола эди. янгидан қўшиб олинган ерларнинг феодал зодагонлари ва қироллик тахтига соф вассаллик муносабатларини сақлаб қолган мустақил князь – феодаллар қиролликни яна парчалаб юбориш мақсадида ёш қиролдан фойдаланмоқчи бўлдилар. Бироқ қиролнинг онаси, қиролича – регет Бланка Кастильская сарой билан алофадор феодалларнинг бир қисмига, майда рицарлардан иборат қироллик вассалларига ва шаҳарларнинг кўмагига таяниб, феодал зодагонлар исёнини бостирди. Вояга етгач, Людовик IX қирол ҳокимиятини янада мустаҳкамлаб, умуман буваси Филипп II нинг программасини давом эттирди.

Людовик IX даврида Пуатунинг жанубий қисми ва Тулуза шаҳари билан Ғарбий Лангедок қўшиб олинди. Қирол 1259 йилда Англия билан Франция ўртасида тинчлик шартномасини тузди, бу шартнома Франция учун фойдали эди. бу тинчлик шартномасига асосан (бу Париж тинчлик шартномаси деб аталар эди) инглиз қиролишимолда ва шимоли – ҳарбда илгарироқ ўз қўлидан бой берган вилоятлардан – Нормандия, Анжу ва бошқалардан қатъий воз кечиб ўз ихтиёрида фақат Аквитанияни, шунда ҳам француз қиролига вассаллик ҳуқуқи билангина сақланиб қолди. Аммо Людовик IX қироллигидаги энг муҳим нарсa территориялар қўшиб олишгина эмас, балки маъмурий – суд ва молия реформаларидир.

Людовик IX даврида Францияни идора қилувчи марказий бошқарма ташкил топди. Қироллик кенгаши ёки қироллик курияси XIII асрда феодалларнинг съездидан марказий бюрократик муассасага айланиб, сўнг у бир қанча бошқарма (идора) ларга бўлиниб кетди. Кичик қироллик кенгаши ёки “ тор доирадаги кенгаш” ажралиб чиқиб, у қиролнинг ва унинг энг яқин амалдорларининг канцлер, коннетабель ва марказлаштириш сиёсатига тортилган, қиролга яқин турган оз сонли феодалларнинг доимий иш кўрувчи кенгашига айланди. Суд ишларини юргизувчи қироллик куриясининг бошқа қисми алоҳида муассаса бўлиб қолди. Бу сўнгги муассаса Парламент (айнан “гапирмоқ” кенгаш)

деган махсус ном олди. Ниҳоят, солиқлар йиғиш ва уларни харажат қилиш ҳамда бошқа қироллик дароматлари устидан қарайдиган алоҳида ҳисоблаш палатаси қуредан ажралиб чиқди.

Қирол амалдорларининг катта бир қисми университетларда «Рим ҳуқуқи»дан таълим олган шахслар бўлиб, кўпинча улар пастки табақадан чиққан, лекин баланд мартабага эришганликлари учун буткул қиролга хизмат қилишга тайёр турган ва унга содиқ кишилар эди. Одатда, уларни легистлар (лотинча *lex*-«қонун», «ҳуқуқ» сўзидан келиб чиққан) деб атардилар. Қирол ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқи анашу вақтда яна бир матра исботланди.

Қирол жанжалли масалалар чиқан вақтда уларни ҳал этиш учун фақат қироллик судига мурожаат этишга феодалларни мажбур этиб, ўз доменида якама-яка олишувларни ман этди. Жанжал чиққан кун билан уруш бошланиши ўртасида қириқ кунлик муҳлат белгиланиб, шу орада кучсиз томон қиролни бу жанжалга аралаштира олсин деган муддаода хусусий уруш қилиш ҳуқуқи анча чеклаб қўйилди. Людовик IX нинг суд реформаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қирол суди бутун қироллик учун олий шикоят суди деб эълон қилинди, бу судка хатто қиродлик доменига хали қўшиб олинмаган ҳудудларнинг фуқораси ҳам шикоят билан мурожат қила оларди. Баъзи суд ишлари (ўт қўйиш, сохта танга чақа чиқариш, хотин – қизларни ўғирлаш ва хоказо) албатта қирол судида қўрилиши керак эди.

Людовик IX танга-чақа зарб қилишда феодаллар билан рақобат қилди. У бошқа герцог ва графларнинг танга-чақа пулининг пул чиқариш ва уни амалда юргизилишига монелик қилмасликка ўз вассаларини мажбур этди. Натижада энг салмоқли қироллик танга-чақа пули одатда феодалларининг ёмон сифатли пулларини сиқиб чиқарар эди. XIII аср ўрталарида қирол бюджети жуда ўсди. Савдо-сотиқдан, саноатдан ва қироллик ер-мулкларидан (савдо-сотиқ, иқтисодий жиҳатдан ривожланган районлардаги) келадиган даромадларнинг тобора кўпайиб боришдан ташқари, Людовик IX замонида йирик феодаллардан ундираладиган васалик тўлови юқори даражада ошди. Қирол ўз вассаларидан кўп даромад олгани сингари, шаҳар-коммуналардан ҳамўшанчилик кўп даромад оларди. Француз черкови «инъом» сифатида қиролга катта-катта пул тўларди. Людовик IX даврида бевосита қирол хазинасига келиб тушадиган солиб солиғи давлатнинг доимо олиб турадиган солиғи ролини ўйнади.

Умуман Людовик IX даврида қироллик даромадларининг ўсиши ўша замонда Франциянинг хўжалик жиҳатдан юксала борганлиги очикдан-очик кўрсатар эди. пул хўжалигининг ривожлан бошлаши, шаҳарлар, саноат ва савдо-сотиқнинг ўсиши оқибатида

мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан марказлашуви халқ хўжалиги барча тармоқларнинг тараққий қилишга ижобий таъсир этди.

XIII асрда Францияда кишлокнинг аҳволида кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда шаҳарларнинг ўсиши ва товар хўжалиги ривожлана бошлаши муносабати билан қарам деҳқонларнинг бир қисми (сервлар) феодаллар томонидан пул оброгига кўчирилди. Бу масала салиб юришлари деҳқонларни озод қилишга биринчи сабаб бўлиб, анча катта роль ўйнади. Салиб юришига кетаётиб ва бунда одатда пулга муҳтожлик сезган феодаллар ўз крепостнойларига пул тўлаб озодликка чиқиши ёкишу пул эвазига лоақал энг оғир қарамлик мажбуриятларидан қутулишни таклиф этар эди. натурал мажбуриятларни ана шу тариқа пул билан айрибошлаш деҳқонларни шахсан озод бўлишига ёрдам қилди ва бу XIII асрнинг биринчи ярмида бу жараён Францияда ҳали етарли даражада кенг тарқалмаган эди. баршчинага ишлатиладиган ва натурал оброк йиғиб оладиган крепостнойлик тузуми феодал эксплуатациясининг устун формаси бўлиб қолаверди. Иккинчи томондан, деҳқонлар товар-пул хўжалигига ҳали етарли даражада тортилмаганликлари сабабли оброкни пул билан тўлашга ўтишнинг ўзи вақтда деҳқонларга оғирлик қиларди. Қирол хазинасига тўланадиган тўловлар ва жумладан, салиб юришлари билан алоқадор ноҳақ солиқлар (салиб юриши солиғини тўлаш, қирол Людовик IX ни асирликдан ўтқазиб учун пул йиғиш ва ҳ.к.) деҳқонлар гарданига оғир юк бўлиб тушди.

XIII асрнинг ўрталарида француз кишлоғидаги деҳқонлар оммаси аҳволнинг ёмонлаша бориши заминида кўплаб ҳар қанақниги маҳаллий жанжаллар ва деҳқонларнинг сеньорларга баъзан анча кенг тус олиб, бутун-бутун вилоятларни ўз ичига олган оммавий ғалаёнларга айланиб кетарди. Франциянинг анчагина қисмига ёйилган бундай йирик кўзғалонлар жумласига 1251 йилда чўпонлар ҳаракати номи билан машҳур бўлган ҳаракат киради. Мафкуравий жиҳатдан бу ҳаракат салиб юришлари билан алоқадор эди. Деҳқонлар орасида тарғибот олиб борилиб, уларнинг ўзларини салиб юришида, жумладан, Қирол Людовик IX ни асирликдан қутқазишда қатнашишга даъват қилинарди. Деҳқонлар янги салиб юришининг ташкилотчиси сайёр ваъзгўй «венгриялик муаллим» Яков номли киши бўлиб, у ўзининг халққа қилган ваъзларида сеньорнинг «оддий халққа» кўрсатган адолатсизликлари ва зўравонликлари тўғрисидаги ижтимоий мавзуларга ҳам тўхталиб ўтарди. Кўп сонли деҳқонлар оломони Парижга тўпланиб, сўнгра у ердан жанубга томон йўл олади, сеньорларнинг йўлида учраган қўрраларни поймол қилади ва улардаги мол-мулкни босиб олади. Кўзғалончиларни Орлеан ва Тур шаҳарлардаги камбағаллар қўллаб-қувватладилар. Кўзғалончиларнинг сони тез ўсиб борди, баъзи бир воқеанависларнинг айтишича, кўзғалончиларнинг сони 100 минг кишигача етган. Бироқ

ёмон уюштирилган, ҳарбий ишда тажрибаси бўлмаган, охириги мақсаднинг нималигига тушуниб етмаган ва узоқ юришнинг йўналишини яхши билмаган деҳқонлар ўзлари қўлга киритган ютуқларни мустаҳкамлай олмадилар ва ҳаракат тезда барбод бўлди. Деҳқонларнинг айрим отрядлари йўлда озик-овқат ва бошқа қийинчиликларга дуч келиб, яна ўз юртларига қайтиб кетдилар. Қўзғалончиларнинг қолган отрядларини ҳукумат ва феодалларнинг ҳарбий кучлари тор-мор келтирдилар. Ҳаракат қатнашчиларининг кўплари қирб ташланди ёки қўлга туширилди, ҳаракат бошлиғи Яков Венгерскийнинг ҳам ҳалок бўлди.

Людовик IX нинг невараси Филипп IV (1285-1314) Капетинглар сулоласининг учинчи йирик вакили эди. Филипп IV ўз қироллик йилларининг бошларида бой Шампань графлигини, Испания билан чегарадош Наварра қироллигини ва Франциянинг жануби-шарқидаги Лионе (Лион шаҳри билан Лион вилоятини) қироллик доменига қўшиб олди. Шундан кейин, Филипп IV қироллик қилган даврининг бошидан то охиригача ўша замондаги Шимоли-Ғарбий Европанинг саноат ўлкаси ҳисобланган Фландрияни эгаллашга ҳаркат қилди¹.

Филипп IV даврида «мустақил» вассал князликлар сони тамомила оз қолди. Фландрия графлигидан ташқари, фақат Бургундия, Бретань, Аквитания герцогликлари ва Бургундия графлиги ҳали қўшиб олинмаган эди.

ХУЛОСА

¹ Очерки социально-экономической и политической истории Англии и Франции XIII – XVII вв. / Под ред. В. Ф. Семёнова. – М.: 1960

843 йилги Верден сулҳига кўра, Людовик Немисга Рейннинг шарқдаги ва Альпнинг шимолидаги худудлар, яъни Шаркий Франк қироллиги, Карл Ялтироқбошга эса Шельде, Маас, Сона ва Рона дарёларидан ғарбдаги ерлар, яъни Ғарбий Франк қироллиги ва ниҳоят, Лотарга эса Шаркий ва Ғарбий қиролликлар оралигидаги ерлар тегди.

Ғарбий-Франк қироллигининг, ўша пайтда Франция деб аталган бу худуднинг биринчи кироли, Людовикнинг кичик ўғли Карл Ялтироқбош бўлди. (877 йилда вафот этган), у бу ҳуқуққа Каролинглар сулоласи вакиллари билан кўп йиллик кескин кураш давомида эришди. Унинг асосий ютуғи Нейстрия ва Аквитанияни сиёсий бирлаштирилишига эришгани бўлди. Франция XIII асрнинг охирига қадар 843 йилдаги чегараларини сақлаб қолди.

Француз қироллиги этник жиҳатдан анча мураккаб бирлик эди. Мамлакатнинг жанубий-ғарбида, Гасконияда, галл-римликларнинг авлодлари билан бир қаторда Басклар ҳам яшаган, шимолий-ғарбда, Бретан-кельтлар, шимолда, Фландрияда герман тилида сўзлашувчи фламандлар истиқомат қилишган. X асрнинг бошларида Сенанинг қуйилишидаги ерларни, сўнгра ғарбда, Ла-Манш соҳилларига қадар бўлган худудларни норманнлар босиб олишди. Бошқа худудлар Роман тилида сўзлашган, аммо бу жойларни икки –шимолий француз ва жанубий француз ёки правонсал халқлари эгаллашган. Булар ўртасидаги шартли чегара тахминан Пуатье-Лион чизиғи бўлаб ўтган. Француз қироллиги таркибига кирган Испан Маркасининг аҳолисини, тил ва маданияти жиҳатидан правонсалликларга яқин турган ҳозирги каталонликларни авлодлари ташкил этган.

Қиролликнинг сиёсий ҳаётини маркази анъанавий равишда шимолий-шарқда жойлашган. Ҳали доимий пойтахт бўлмаган қирол саройи бир жойдан бошқасига кўчиб юрган, кўпинча Ланцада, X-асрнинг охиридан Парижда мунтазам ўрнашиб қолди. Реймс аста-секин тож кийиш маросими ўтказиладиган жойга айланди. Чекка вилоятларни бошқариш графлар ва уларнинг ўринбосарлари-виконтларга юклатилиб, улар IX- аср охирига қадар давлат амалдорлари сифатида қолишди. Каролинглар сепаратизмга қарши курашиб, граф ва виконтларни, уларни ер-мулклари бўлмаган худудларга ноиб этиб тайинлашарди, тез-тез уларни бир жойдан бошқасига кўчириб ўтказишарди, гоҳида, айниқса жанубда, бошқарувга эски маҳаллий аристократияни жалб этишган. Граф ва виконтларни итоатда ушлаб туришнинг яна бир воситаси – марказдан юборилган текширувчилар- ревизор ва судьяларни вақти-вақти билан ташрифлари бўлган. Бироқ граф ва виконтлар ўзларига ишониб топширилган худудларда вассаллар ва ер-мулкларга эга бўлиб, биринчи галда маҳаллий зодагонлар билан қариндош-уруғчилик алоқаларини ўрнатиб, монархни ҳоҳиш-иродасини бажарувчи ижрочидан расмий ҳокимиятга эга

бўлган феодалларга айланишди. Бенефицийларни меросий мулкка айланиш принципи X-асрнинг охирларига келиб аста-секин қарор топди.

IX-аср охирига келиб каролинглар бирмунча хокимиятни қўлдан бой беришди. Қирол Карлни лаёқатсизлигига ишонч ҳосил қилган француз зодагонлари, норманнлар билан курашда ўзини кўрсатган, Робертинлар уруғидан бўлган, Париж графи Эдни 888 йилда тахтга кўтаришди. 898 йилда унинг вафотидан кейин тахтга Каролинглар уруғидан бўлган Карл ўтирди. 911 йилда норманнларга Ла-Манш бўйларидаги ерларни берилиши билан бу жойлар Нормандия деб атала бошланди; Норманнларни француз тахтига вассал қарамлиги фақат расман бўлган. 923 йилда Карл тахтдан туширилди ва умрини зиндонда тугатди, тахт эса яна қудратли Робертинлар қўлига ўтди. Бироқ кўпчилик зодагонлар заиф хокимият билан иш кўришни афзал билишиб, 936 йилда яна Каролинглар тахтга чиқди, аммо улар ҳаққоний хокимиятга эга эмас эди. X асрнинг ўрталаридан бошлаб, Робертинлар уруғидан бўлган Париж графи ва Франция герцоги Гуго, қирол унвонига эга бўлмаганига қарамасдан мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинига айланди.

987 йилда Каролинглар сулоласи ҳукумронлигига барҳам берилиши билан магнатлар тахтга Гугонинг ўғли-Гуго Капетни ўтқазди. У Турдаги авлиё Мартин монастирини дунёвий аббати сифатида монахларни бош қийими-каппани кийиб юргани учун унга шундай лақаб (Капет) берилган. У сайловда қўллаб-қувватлашларига эришиш учун бир-қанча ер-мулкларини бўлиб берди. Унинг авлодлари – Капетинглар мамлакатни 1848 йилга қадар бошқаришди.

Мамлакатни чекка вилоятларида марказдан ажралишга интилиш X аср бошларида кучайиб борди. Қирол хокимиятини фақат шимоли-шарқда мавқеи кучли эди, бироқ Фландрия ва Шампан графларини мавқеи ўз сеньорини обрўсидан кучлироқ бўлган. Капетинглар ўз ҳолатини мустаҳкамлашга интилиб, бутун бир қатор матримониал иттифоқлар тузишди, булар қаторида Англия, Германия, Арелат ва Русни ҳукмрон оилалари билан никоҳ тузишга эришди.

Гуго Капет ва унинг ворисларини Роберт II (996-1031), Генрих I (1003-1060) ва Филипп I (1060-1108) ларни суверен ҳуқуқлари аслида уларни доменлари билан чекланилган. XII асрнинг бошларига қадар уларни Париж ва Орлеан оралиғидаги мулки-Иль-де-Франс- «Франция ороли»- кенгаймасдан қолаверган. Қирол домендан ташқарида фақат сюзерен яъни феодал иерархиясини бошлиғи сифатида тан олинган. У вассаллар ўртасидаги низоларни тартибга солган, улар халок бўлган тақдирда вояга етмаган фарзандларига васийлик қилган, урушларда бошчилик қилган. Бошқа ҳолатларда сеньорлар мустақил бўлишган: суд қилишган, танга чақа зарбэтишган, ўз фойдаларига солиқ тўплашган, ўзаро урушлар олиб боришган, бошқа ҳукмдорлар билан иттифоқлар

тузишган. Улар ўзларини ишларига қиролни аралашишига қатъий қарши туришиб, айнан улар Капетингларни тахтга ўтказганликларини эслатиб туришган.

XI-асрнинг охирига келиб, қирол хокимиятини заифлашувини прогрессивлашиб бораётган бир шароитда, йирик сеньорлар ҳам ўзларининг ёйилиб кетган мулкларини марказлашган тарзда бошқариш қобилиятини йўқотишди. Жойларда ўзига хос хокимият вакуми - қобиғи юзага келди: натижада ҳуқуқ ва ваколатларни анча қисми ўрта ҳол сеньорларни, яъни бир ёки бир неча қўрғонларни эгаларини қўлиги ўтди. X асрдан бошлаб тўхтовсиз ўзаро урушлар ва вақти-вақти билан норманнлар, араблар ва венгерларнинг бостириб киришлари шароитида Францияда кўплаб яхши мустахкамланган қалъалар юзага келди. Жанубий-Ғарбий Европа учун умумий бўлган бу жараён илмий адабиётларда инкастелломенто (қалъалар билан ўраб олиш) номини олди. Қалъаларни эгалари шаталенлар (французча-қалъанинг хўжайини)-округ бўйича ўзлари ҳукмронлик қилаётган қалъани химояси остида истиқомат қилаётган теварак-атрофда яшовчи қишлоқ аҳолиси устидан анча-мунча суд-маъмурий хокимиятни ўз қўлларига олдилар.

Шаталенлар тўла хокимиятга эга бўлиб, уларни ишларига давлат томонидан аралашиш эҳтимоли-анча чекланган бўлган.

Бу хокимиятнинг ҳарбий асосини шаклланган профессионал ҳарбийлар тоифаси ташкил этиб, улар феодал элитани қуйи қатламинини ташкил этишган. Булар етарлича ўзига тўқ отлиқ аскарлар эди. Улар немисча Ritter- чавандоз сўзини англатишган. X-XI асрларда рицарларни юзага келишга уларни Карл Мартелл ва Карл Буюкни ислохотлари оқибатида шаклланганлигини таъкидлаш лозим. Рицарлар дастлаб айрим ҳукмдорларни хизматида бўлишган. Бироқ XI асрдан бошлаб рицар атамаси отлиқ-жангчи аслзодани англата бошлаган.

Келгусида рицарликка мансублик унвони жангдаги жасорати ва бошқа ҳарбий хизматлари учун берилган, мураккаб маросимлар орқали рицарликка қабул қилинган. Францияда «мени вассалларимни вассали, мени вассалим эмас» деган одат амал қилган, бу эса вассални бевосита ўзини сеньорига содиқлигини англатган. Сеньор урушни бошлаётиб, ўзининг бевосита вассалларини ёрдамига умид қилган, аммо улар ўзларига содиқ рицарлари кузатувида келишлари лозим бўлган. Қиролни ваколатлари, бошқа ҳар қандай феодалнинг ваколатидан кенгроқ бўлган, у ўзининг домен ерлари ва рицарларига таяниб мамлакатни бошқарган, бошқа ҳолларда эса йирик вассалларни фикри билан ҳисоблашишган мажбур бўлган, чунки улар юқори рухонийлар билан бир қаторда қирол кенгашини ташкил этишган.

Франция тарихида деҳқонларни феодалга қарамга айлантиришни узоқ жараёнини яқунловчи босқичи IX-XI асрларга тўғри келди. Бу даврни бошларида мамлакатда хусусий

шахсларга қарам бўлмаган, шахсан озод, бевосита қиролга бўйсунувчи кишилар кўп эди. Муҳими шуки, ижарачиларга айланган деҳқонларнинг анча қисми, ҳали ўз сеньорларига тўла қарам бўлмаган ва сиёсий, суд, маъмурий жиҳатдан эркинликларини сақлаб қолишган. Иммунитет имтиёзларини бериш ҳали оммавий тус олмагани ва черков хуудларидан ташқарида умуман амалда қўлланилмаган.

XI асрнинг охирига келиб округнинг барча аҳолиси бирор феодалга қарам бўлган ёки шахсан озод эркин деҳқонлар, суд-маъмурий соҳада кимнингдир «одамига» айланган. Бундай қарамлик одатдаги феодал мажбуриятлардан фарқ қилмаган, лекин бундай кишилар амалда рента тўловчиларга айланишган.

Ижарачи ва шахсан қарам деҳқонлар учун суд-маъмурий қарамликни ўрнатилиши уларни қолган фуқаролик ҳуқуқларини ҳам йўқотилишига олиб келди ва уларни эксплуатация қилиш кучайди.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган даврнинг охирига келиб, амалда барча француз деҳқонлари феодалларга қарам бўлиб қолди. Бироқ ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан у бир хил бўлмаган. Ҳар бир деҳқоннинг ижтимоий ҳолати ва эксплуатация қилиниши даражаси, бу деҳқон ишлов берадиган ерни ҳажми, ҳолати ва юридик статуси билан белгиланган, шунингдек деҳқоннинг келиб чиқиши, қарамлик шакллари, уни хўжайинига шартномавий мажбуриятлари ва маҳаллий урф-одатлар орқали боғланганлиги билан белгиланган.

Бу даврдаги манбаларда учрайдиган «серв», «виллан», «колон», «озод», «эркин» атамалари ижтимоий ҳарактердаги умумий атамаларни акс эттирган.

Феодал тарқоқлик шароитда, бутун мамлакат ва ҳатто айрим князликда деҳқонларнинг ҳуқуқий мақомини унификациялашни имкони йўқ эди.

XI-аср ва ундан кейинги асрларда сервлар деҳқонларчалик камситилмаган, уларни хўжалик машғулотларида ҳамда оилавий муносабатларда эркинликлари бўлган. Бироқ, X-XI асрлар ҳақида айтиш мумкин, бу вақтда француз деҳқонларини феодал қарамлиги ва эксплуатация қилиниши очиқ-ойдин кучайган. Бу жараён мамлакатни шимолида анча кучли бўлиб, X-XI асрлар орасида иккита йирик деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтиб, (997 йилда Нормандияда ва 1024 йилда Бретанда) бу ҳаракатлар сеньориал тартибларни ўрнатилишига қаратилган эди. Сеньория одатий ҳолга айланган бошқа хуудларда халқ ҳаракатлари кескин авж олмади. Бунга шу пайтда кенг авж олган ички колонизация имкон бериб, деҳқонларга ўз моддий ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатини яхшилашга имкон берди, шунингдек, бу даврда бошланган урбанизация ҳам деҳқонлар олдида янги имкониятларни очиб берди.

Бу даврни иқтисодиёти ва жамияти очик акс этган аграр ҳаракатга эга бўлган. Шунга қарамасдан Рим давридан кўплаб мерос бўлиб қолган шаҳарлар сақланиб қолди.

XI асрнинг охирларига келиб уларнинг кўплари Париж, Реймс, Орлеан, Руан, Пуатье, Тур, Бордо, Лимож, Тулуза ва бошқалар, гарчи бир неча мингдан аҳолиси бўлсада, аста-секин ҳунармандчилик ва савдонинг муҳим марказларига айланиб борди. Шунингдек, шимолда Лилль ва Кале, жанубда эса Монпалье сингари янги шаҳарлар пайдо бўлди. Шу вақтдан бошлаб шаҳарлар феодал жамиятнинг ажралмас қисмига айланди.

Франция тарихида X-XIII асрлар бурилиш асрлари бўлди. Бу асрда Франциянинг кўп шаҳарларида феодал муносабатлар узил-кесил расмийлаштирди. Аммо X-XIII асрларда Франция тараққиётида яна бошқа муҳим бир жараён бошланди. Бу эса ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг маркази сифатида, хусусий мулкчиликнинг ва қишлоқдагидан тамомила бошқача ишлаб чиқариш муносабатларининг янги формалари тўпланган манзилгоҳ сифатида шаҳарларнинг вужудга келишида ва ўша дамгача, асосан маъмурий ёки соф ҳарбий манзил вазифасини ўтаб келган кўҳна марказларнинг жонланишида намоён бўлди. Шу пайтдан эътиборан шаҳар ижтимоий тарққиётининг муҳим омили бўлиб қолди.

Илк ўрта аср замонидаги Франция иқтисодиётини тасвирловчи энг яққол ҳужжатлар (Каролинглар даври ёдгорликлари) ўша илк ўрта аср қишлоғини худди ана шундай хусусиятлар билан кўрсатади. Деҳқонлар помещчик-феодал фойдасига баршчина ўтайдилар, унга оброкни кўпроқ натура билан тўлайдилар. Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотлар, одатда, сеньор кўрасининг эҳтиёжларига сарфланарди. Буюк Карл ўзининг «Поместье (ер-мулк)лар тўғрисидаги капитулярий»сида буни жуда яхши ифодалаб берган эди. деҳқонлар озуқа маҳсулотларидан ташқари, феодалга ҳунармандчилик буюмлари ҳам етказиб беришлари керак эди. Сен-Жермен монастирининг IX асрдаги полиптикасида деҳқонлар темирчилик, тўқувчилик ва бошқа ҳунармандчилик йўли билан ишлаб чиқарган буюмларни монастирга беришга мажбурдилар, дейилади. Каролинглар ёдгорномаларида кўрсатилишича, ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ҳали ажралиб чиқмаган. Бу ерда деҳқон билан ҳунарманднинг ҳар иккаласи ҳали бир одамдай бўлган.

Бироқ Буюк Карл замонидаёқ моҳир ҳунармандлар мавжуд бўлиб, улар энди қишлоқ хўжалигида банд қилинмаган, улардан фақат мутахассислар сифатида фойдаланилган. Ҳар бир кироликнинг поместьесида керакли бўлган йигирмалаб ана шундай ҳунармандлар «Поместье тўғрисидаги капитулярий»да санаб кўрсатилади. Аммо кўраларда хизмат қилувчи ана шундай ҳунармандларнинг мавжудлиги ҳали ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан батамом ажралиб чиққанлигини кўрсатмайди. Ҳунамандлар поместьегга бирлаштирилган, унга боғлаб қўйилган, улар ишлаб чиқарган

махсулотлар эса феодалнинг эҳтиёжини қондиришга кетади ва шунинг учун у товар сифатида бозорга чиқариб сотилмайди. Шундай қилиб, қўра хунармандчилиги натурал хўжали турларидан бирига айланиб қолди.

Илк ўрта аср замонидаги мол айрибошлаш (савдо қилиш) поместьеларнинг ёки деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондиргандан кейин ортиб қолган маҳсулотларни бозорга чиқариб сотишдан иборат бўларди. «Поместьелар тўғрисидаги капитулярий»да ва Каролинглар даврининг бошқа бир ҳужжатларида бозорлар бўлганлиги кўпроқ эслатиб ўтилади. Илк ўрта аср даврида черков ва монастирлар ҳузурида анъанавий ярмаркалар бўларди. Аммо бу савдо жойларида, ҳар ҳолда маҳаллий сотувчилар акам бўларди. Асосий савдогарлар: ломбардияликлар, яҳудийлар, сурияликлар, араблар, византияликлардан иборат келгинди савдогарлар бўларди. Бу ажнабий савдогарлар одатда феодал қасрлари ва қўрғонларига доимо ташриф буюриб, улар бу қаср ва қўрғонларда зийнат буюмлари (хусусан олтин ва кумуш безаклар, қимматбаҳо тошлар), ипак газламалар, қўлда отадиган курол-яроғ ва Шарқ хунармандчилигининг бошқа баъзи буюмлари, шунингдек Шарқ ширинликлари ва дориворларини олиб келиб сотардилар. Бундай айрибошлаш илаб чиқаришнинг туб моҳиятига ҳали сира қўл тегизмаган эди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, аввало. Далалрдаги деҳқончиликнинг серхосил бўлиши, шунингдек хунармандчилик техникасининг ривож топа бориши туфайли хунармандчилик аста-секин алоҳида бир касбга, кишилар айрим гуруҳининг асосий машғулотиغا айланди. Эндиликда хунарманд ўз вақтини бутунлай хунарга сарфлайдиган бўлди. У қишлоқ билан алоқасини буткул узиб, ишлаб чиқариш шароитлари (хом ашёси бор ва ишланган молни бозорга чиқариб сотиш имконияти, ҳаёти ва мол-мулки маълум даражада хавф-хатарсиз ҳамда алоқа йўллари қулай бўлган ва хоказо) энг қўл келадиган янги, доимий жойга кўчиб борди. X-XIII асрларда Францияда турли хунарлар : темир буюмлар яшаш ва мовут тўқиш айниқса катта аҳамият касб этган эди. темир асбоблар қишлоқ хўжалигида ҳам (омоч тиши, плуг, мих, белкурак ва хоказо), шунингдек ҳарбий ишда ҳам (темир қалқон, қилич, найза, дубулға ва шунга ўхшаш рицарлик курол-яроғлари) талаб қилинарди.

Ўзининг махсус ишлаб чиқаришида банд бўлган хунарманд ўқиган, малакали уста бўлиши керак эди. Бундай хунармандчилик бозор орқали истеъмолчига хизмат қилишни қилиб қўяр эди. Лекин дастлабки пайтларда бу ерда ҳам якка буюртмачиларга ишлаш ҳодисалари йўқ эмас эди. Шу тариқа, хунарманд майда мол ишлаб чиқарувчига айланди. Пировардида , у деҳқончилик билан алоқасини узиб, фақат шаҳар хунармандигина бўлиб қолди.

Дехқонларнинг феодаллар эксплуатациясига қаршилик кўрсатишининг тобора ўсиб бориши шаҳарларнинг ривожланишига катта ёрдам қилди. Феодалларнинг ер-мулкларидан қочиб кетган қарам деҳқонлар вужудга кела бошлаган шаҳарларнинг дастлабки меҳнаткаш аҳолисини ташкил қилдилар.

Иқтисодий марказ бўлган шаҳарнинг, вақт ўтиши билан, атрофдаги районлар учун аҳамияти тобора ортиб борди. Шаҳар ҳунармандлари шаҳар бозорига мунтазам келиб турадиган деҳқонларни ўз саноат буюмлари билан таъминлаб турардилар. Шаҳарликлар эса, деҳқонлардан қишлоқ хўжалик хом ашёси сотиб оларди. Шундай қилиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги меҳнат тақсимоти доимо давом қилиб турадиган узвий бир ҳолат касб этди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази бўлган шаҳар қишлоқни савдо оборотига тортиб, унда ҳам твар-пул муносабатларнинг ривожланишига олиб келди.

X-XIII асрларга келиб шаҳарлар фақат қўшни қишлоқлар билангина савдо-сотиқ қилмай, балки уларнинг қўплари анча кенг савдо-сотиқ алоқаларини ҳам боғлайдилар. Бу шаҳарлар бир-бировлари билан зўр бериб алоқа қилишларидан ташқари, Византия ва Араб Шарқининг айрим савдо марказлари билан ҳам савдо-сотиқ алоқаларини боғлайдилар. Шарқ билан савдо-сотиқ қилишда жанубий Франция шаҳарлари: Марсель, Арль, Нарбонна шаҳарлари фаолият олиб борардилар.

Шаҳарнинг қишлоқ билан олиб борган савдо-сотиқ алоқалари деҳқонлар билан олиб борган савдо-сотиқ алоқалари деҳқонлар билан феодаллар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб юборди. Деҳқонлар қўлида пул пайдо бўлди. Ҳамиша талаби ва эҳтиёжи ўсиб борган сеньор пулга доимо муҳтожлик сезиб, деҳқонларга оброкни қисман пули билан тўлаттиришга ҳаракат қилди. Деҳқонларни пул билан оброк тўлашга кўчириш келажакда қарам деҳқонларни аста-секин шахсий озод бўлишга олиб келди.

Аммо XI-XIII асрларда бу жараён эндиgina бошланган эди. Феодалларнинг пул рентаси ҳақидаги талабига деҳқонлар қўпинча яна бир ортиқча даҳмаза деб қарадилар. Қишлоқнинг ишлаб чиқарувчи кучлар ҳамон паст даражада қолиб келмоқда эди. Шаҳарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қийинчилик билан қондириларди. Қишлоқ аҳолиси сонинг ўсиб бориши қўшимча ерларга эҳтиёжини янада оширарди. Илгари дарахтзорлар ҳамда шох-шаббалардан тозаланган ва ҳайдалиб экин экиладиган ерлар энди етишмай қолди. Қишлоқда ер қахатчилиги сезилмоқда эди.

Шу муносабат билан Францияда колонизация қилиш кенг тус олди. XI асрда ўрмонлардаги дарахтларни кесиб ер очиш ва бўш ётган ерларни ишга солиш Европанинг барча мамлактлари каби Францияда ҳам энг долзарб вазифа бўлиб қолди. Бунгача халқ кўчиб бориб ўрнашмаган ёки кам ўрнашган «тақир» ерларда янги қишлоқ ва овуллар пайдо бўлди. Ўз даромадларини оширишдан манфаатдор бўлган феодаллар бу «ички

колонизация»га ҳомийлик қилдилар. Янги ерларга кўчиб бориб ўрнашган одамлар, баъзан, олис ерлардан қочиб келган қарамдеҳқонлар бўлиб, маҳаллий феодаллар ҳали очилмаган кўриқ ерларга жойлаштириш учун уларни бажону дил қабул қилиб олардилар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”., 1998 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. “Маънавият”., 2008 й.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 13-том. Т., 2001 й. 1-том.
4. Арзаканян М. Ц. История Франции / М.Ц. Арзаканян, А.В. Ревякин, П.Ю. Уваров. – М.: Дрофа, 2005. - 474 с.
5. Батыр К.И. История феодального государства Франции.- М.: Наука, 1975.- 459 с.
6. Блок М. Характерные черты французской аграрной истории.- М.: Наука, 1957.- 345 с.
7. Виллар Ж. Формирование французской нации (X – начало XIX в) / Ж. Виллар, К. Виллар. – М.: Иностранная литература, 1957. – 335 с.
8. Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов.- М.: Норма, 2000.- 678 с.
9. Грацианский Н. П. Из социально-экономической истории западноевропейского средневековья.- М.: Наука, 1960.- 478 с
10. Очерки социально-экономической и политической истории Англии и Франции XIII – XVII вв. / Под ред. В. Ф. Семёнова. – М.: 1960. – 235 с.
11. Плешкова С. Л. Французская монархия и церковь (XV – середина XVI в.) / С. Л. Плешкова. – М.: Изд-во МГУ, 1992. – 171 с.
12. Калашникова В. В. Франция / В. В. Калашникова. - (В помощь преподавателям и студентам) //Образование в регионах России и СНГ. - 2006.- N 2.- С. 66-76 .